Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ✦ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ✦ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 22 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 46 (6692)

Кеча Тошкентда Туркистон халқлари маданияти форуми очилди

ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ ФОРУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар, қардошлар!

«Туркистон — умумий уйимиз» руҳи остида ўтаётган улкан анжуманнинг ташкилотчилари ва биринчи иштирокчиларини чин дилдан самимий муборакбод этаман.

Марказий Осиёдаги беш мустақил мамлакат жамоатчилиги вакиллари эзгу ниятлар билан бошлаган саъй-ҳаракатлари бугун ўзининг дастлабки самарасини бергани биз учун ғоят қувончли ҳолдир.

Аждодларимиз азал-азалдан бир оила бўлиб, қон-қариндош ва оғаини бўлиб яшаб келишган. Тақдирлари узвий халқларимизнинг расм-русуми, урф-одати ва анъаналари, бой маданиятлари ҳам муштарақдир.

Туркистон тупроғини яраттаннинг ўзи ҳам алоҳида меҳр ва ихлос ила бино қилган, деб айтсак асло муболаға бўлмайди. Бу заминда камол топган юзлаб буюк зотлар даҳоси бутун дунё маънавияти ва маданиятини чароғон этиб турғани бежиз эмас. Сиз билан биз буюк алломалар фарзандлари эканимиздан ифтихор қилмоққа ҳақлимиз.

Халқларимиз истиқлол йўлида не-не қурбонлар бермади. Минглаб фидойи инсонларнинг шу улуг мақсад йўлида тиккан жонлари эвазига биз мана шу кунларга етишиб турибмиз. Демак, буюк истиқлолимиз қадр-қимматини тўғри тушуниб, порлоқ келажак учун елкама-елка туриб курашиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Сиз, азиз дўстлар, тарихий бирлигимизнинг тамал тошини қайта қўйиш билан аждодларимизнинг армонларини юзага чиқариб, уларнинг руҳларини шод этмоқдасиз.

Тарихий анжуманингиз Марказий Осиё минтақасида ҳамжиҳатлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, маданиятимиз, адабиётимиз, санъатимиз, урф-одатларимиз муштараклигини таъминлаш, янада равнақ топтириш ва дунёга ейиш сари қўйилган дадил қадамдир. Бу халқаро ҳаракатнинг самарадор келажагига мен шахсан қатъий ишонаман.

Азиз дўстлар!

Сизларга, сизлар орқали барча қардош халқларимизга, тинчлик, осойишталик, бахту саодат тилайман. Буюк мақсадларимизнинг амалга ошишида яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

ТОШКЕНТДА ЎТАЁТГАН «ҚАРДОШЛАР УЧРАШУВИ» ХАЛҚАРО ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Тантанали анжуманда қатнашувчи зиёлилар гуруҳларининг вакиллари! Сизларни «Қардошлар учрашуви» халқаро қурултойи очилиши билан чин юрақдан табриклайман. Бу учрашув бўлажак буюк ишларнинг дебочаси эканига ишонаман.

Тақдири бир, тарихи бир халқларнинг адабиёти ва маданияти, илм-фани ҳам ўхшаш бўлиши азалдан маълум. Чунки элни эл билан, халқни халқ билан боғловчи маънавий куч — мана шудир. Айниқса, ҳозирги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий қийинчиликлар даврида қардош халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва дўстлик катта аҳамиятга эгадир. Бу йил Алматида Қозоғистонда Узбекистон кунлари ўтаётган кезларда кўтарилган ташаббус бугун Тошкентда ўз ифодасини топгани қувончлидир.

«Кўпчилик кўтарган юк енгил бўлади», дейди доно халқимиз. Азалдан қон-қардош, туғишган беш халқнинг адабиёт, маданият, илм-фан арбоблари биргалашиб иш юритиб, қардош халқлар ўртасида асрлардан буён давом этиб келаётган маънавий алоқаларни кучайтириб, уни янада юксакликка кўтаради, деб умид қиламан.

Қурултойнинг яхши ўтишига тилакдошман.

Қозоғистон Республикаси Президенти
Нурсултон НАЗАРБОЕВ.

ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ ФОРУМИ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли Туркистон халқлари маданияти форуми биринчи қурултойи қатнашчилари!

Қадрли биродарлар!

Қирғиз халқида «Қўлдаги бармоқлар бошқа-бошқа бўлгани билан бир билакка бириккан» деган нақл бор. Шу каби, биз, Туркистон халқлари бир неча мамлакатда яшасак ҳам, тўпланиб, бир билакка бирлашамиз. Бизнинг маданиятимиз азалдан яхлит маданият сифатида бутун жаҳонга танилган.

Сизлардек таниқли маданият ва санъат вакилларининг Тошкент шаҳрида катта форумни ўтказишга бош қўшгани мен учун ўзгача маънога эга. Бу форум орқали сизлар халқларимиз бирлигини, элларимиз иноқлигини намойиш этмоқдасиз. Зотан сиз, яратган қўркам ижод намуналари ҳам бу ҳақиқатни доимо исботлаб турадиларсиз.

Илдизи теран Туркистон маданиятини ўзларининг муштарак маданияти деб биладиган халқларни бирлаштиришдек эзгу мақсадингиз бизни қувонтиради, албатта.

Дунёдаги кўп ўлкаларда ана шундай қўркам ижодни, маданиятни юксалтириш орқали иқтисодий-ижтимоий масалаларда муваффақиятга эришилган. Бошқача айтганда, иқтисодиёт бўлмаса, маданият бўлмайди, маданият бўлмаса, иқтисодиёт ҳам бўлмайди. Демак, сизларнинг ушбу қурултойда бошлаган ҳаракатингиз изланиш йўлидан бораётган ёш мустақил мамлакатларни сиёсий-иқтисодий қийинчиликлардан олиб чиқишга ҳам ҳисса қўшади деб умид қиламиз!

Қурултойингиз қутлуғ бўлсин, Туркистон маданияти истиқбол сари кенг йўл олсин! «Ғўзаллик дунёни қутқаради».

Қирғизистон Республикаси Президенти
Асқар АКАЕВ.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ МАДАНИЯТИ АНЖУМАНИ» ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Тожикистон Республикаси давлати ва ҳукумати «Марказий Осиё мамлакатлари маданияти анжумани» иштирокчиларига самимий табрик ва қутлов йўллаб, унинг ишига муваффақият ва зафар тилайди.

Ишонамизки, ушбу анжуман Марказий Осиё минтақасидаги халқларнинг илму маданияти, адабиёти ва маънавиятини яқинлаштириш борасида жуда муҳим ва самарали қадам бўлади.

Халқларимиз асрлар оша бир минтақада биргаликда яшаб, бир-бирларининг илмий ва маданий ютуқларидан баҳра олиб, жаҳонга минглаб олиму шоирлар ва буюк мутафаккирлар етказиб берган.

Илм ва маданият азалдан халқларимизни яқинлаштирадиган ва дўстлаштирадиган муҳим омил сифатида хизмат қилиб келган ва бу вазифани келажакда ҳам бажаражак.

Биз «Марказий Осиё мамлакатлари маданияти анжумани» иштирокчиларининг минтақадаги мустақил давлатларнинг ўзаро манфаатли ва бегараз ҳамкорлигини кенгайтириш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, халқларимизнинг асрлар оша қўлга киритган маънавий ютуқларини қайта тиклашдек олий мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.

Эзгу тилаклар ила,

Имомали РАҲМОНОВ,
Тожикистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОИЙ ЁРДАМИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Болалар тўғрисида давлат ғамхўрлигини кучайтириш мақсадида:

1. 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб 16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга бериладиган ҳар ойлик нафақалар кўпайтирилиб, бу нафақалар болаларнинг сонига қараб қуйидаги миқдорларда белгилансин:

— Бир болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 30 фоизи;

— икки болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 60 фоизи;

— уч болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 80 фоизи;

— тўрт болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 100 фоизи;

— беш ва ундан кўпроқ болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 120 фоизи.

2. Болали оилаларга нафақалар оширилиши билан боғлиқ харажатлар республиканинг давлат бюджети ҳисобидан қоплансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларга давлатнинг ижтимоий ёрдамини кучайтириш тўғрисида» 1995 йил 27 мартдаги Фармонининг 1-банди 1996 йил 1 январидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 20 ноябрь.

КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА ҲОЗИРЛИК

Вазирлар Маҳкамасида Узбекистон Конституцияси қабул қилинган кун — умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирликлар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашди. Мажлисни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Республика парламенти 1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистон Конституциясини қабул қилган эди. Жаҳон экспертлари хулосасига кўра, энг мукаммал конституциялардан бири бўлган ҳаётимиз қомуси ватанимиздаги туб ўзгаришларнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мажлисда Конституциямиз қабул қилинган кунни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда, барча вилоятларда юқори савияда ўтишини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Олий Мажлис Раиси ўринбосари А. Қосимов, Республика Бош вазирининг ўринбосарлари Д. Ғуломова, С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

ҚАРДОШЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ҚУТЛУҒ ҚУРУЛТОЙ

21 ноябрь куни Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида Марказий Осиёда истиқомат қилаётган қардош халқлар вакилларининг қурултойи тантанали равишда очилди.

Қурултой унда иштирок этиш учун келган қардошларимиз — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари вакиллари бўлмиш таниқли адиблар, олимлар, маданият ва санъат арбобларининг улуғ мутафаккир ва шоир Алишер Навоий ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйиб, буюк бобокалонимиз руҳини ёд этишдек ибратли зиёрат билан бошлагани бежиз эмас. Зотан, ҳазрат Навоий бундан 600 йилча илгари қўҳна турон замини халқлари маданиятларининг муштараклигини, тарихи ва тақдири узвийлигини таранум этган, ана шу ҳамжиҳатлик ва муштараклик ғояларини тарғиб қилган улуғ башоратгўй сиймодир.

Қурултойни ташкилот қўмитасининг раиси, таниқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов қисқача кириш сўзи билан очди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновнинг қурултой қатнашчиларига табриклари ўқиб эшиттирилди.

Қурултойда анжуман ташкилот қўмитасининг раиси Чингиз Айтматов маъруза қилди.

— Биз Тошкентга ўзимизнинг ташвиш ва муаммоларимизни, орзу ва истакларимизни, энг яхши нияту режаларимизни биргаликда, баҳамжиҳат муҳокама қилиш учун, қолаверса, Марказий Осиё минтақаси замонавий маданиятининг бугунги аҳволини таҳлил этиш ҳамда ягона бир фикрга келиш, ибратли хулосалар чиқариш учун тўпландик, — деди Чингиз Айтматов. — Сўнгги пайтда Марказий Осиё деб атала бошлаган маҳобатли ҳудуд нафақат жўғрофий, балки тили, дини, тарихи ва келажагининг яхлитлиги жиҳатидан ҳам ягона ва бир бутун макондир. Бизни олис тарихдан ташқари совет тузуми даври билан боғлиқ тақдиримиз ва бу собиқ тузумдан орттирган муаммоларимизнинг умумийлиги ҳам бирлаштириб туришини унутмаслигимиз керак.

Ч.Айтматов бу улкан муаммоларни минтақа халқлари фақат биргаликда, баҳамжиҳат ва аҳил бўлганликларидагина ҳал қилиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда Марказий Осиё маданият арбобларининг бошини қовуштириш сари кенг йўл очган бугунги Тошкент қурултойининг аҳамияти жуда каттадир.

Маъруза юзасидан қурултой делегатлари — Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тулепберген Каипбергенов, Қозоғистон халқ ёзувчиси Абдижамил Нурпеисов, Қирғизистон маданият ишлари вазири Чолпонбек Базарбаев, Тожикистон Фанлар академияси академиги Муҳаммад Осимов, қозоғистонлик таниқли шоир Мухтор Шаханов ва бошқалар сўзга чиқди.

Анжуман қатнашчилари минтақа илмий-адабий жамоатчилиги халқаро ҳаракати — «Марказий Осиё мамлакатлари халқлари маданият арбоблари ассамблеяси»ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Шундай қилиб, Марказий Осиёда минтақа маданияти ва санъати ривожига ҳисса қўшиш учун бел боғлаган янги бир тузилма — ҳукуматга алоқадор бўлмаган ташкилот дунёга келди.

Делегатлар ассамблея раҳбарлигига кўрсатилган номзодлар учун овоз бердилар. Атоқли адиб Чингиз Айтматов ассамблея президенти, Узбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов биринчи вице-президент этиб сайланди.

Қурултой аҳли Марказий Осиё халқлари маданият арбобларига мурожаатнома қабул қилди.

Анжуман сўнгида беш республика санъат усталарининг катта концерти намойиш этилди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: Ёзувчи Чингиз Айтматов; анжуман қатнашчилари.

Р. Нуритдинов (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон — Германия:

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Германияни бутун дунё билади. У Европа қитъасидаги ривожланган давлатлардан бири. Немис халқи эса очиққўнгил, маданиятли, дид-фаросат бобида ўткир ва нозиктаъб. Германия саноат корхоналарида — фирмаларида, ишлаб чиқариш муассасаларида тайёрланган маҳсулотларга талаб катта. «Саламандер» пойабзаллари, «Бурда моден»нинг чиройли фасондаги кийим-кечаклари жуда ҳам харидоргир.

Узбекистоннинг бу буюк давлат билан ҳамкорлиги унчалик олис ўтмишга бориб тақалмайди. Лекин узбек ва немис халқи, икки давлат ўртасида яқин йиллар орасида вужудга келган дўстлик азалийдек, таъбир жоиз бўлса, абадийдек туюлади. Масофалар қанчалик олис бўлмасин, мақсадларнинг, тилакларнинг муштараклиги икки диёрни бир-бирига яқинлаштирмоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримов беш-олти кун муқаддам ана шу диёрга сафар қилди. Таомилга кўра, зиёратлар қабул бўлсин, дейишади.

Таассуротлар бир олам. Биз буларни ойнаи жаҳон орқали кўриб, вақтли матбуот нашрларида ўқиб бордик. Президентимизнинг бу юрт тўғрисидаги таассуротлари Узбекистон радиоси, телевидениеси орқали эълон қилинди.

Одатда, давлат раҳбарларининг ўзга юртга расмий ташрифлари умумхалқ мақсадларига муштараклиги билан изоҳланади. Бу яхшилик аломати, ривожланишга хизмат қиладиган омил. Шу йил май ойида бу давлат раҳбари Роман Герцогнинг мамлакатимизга ташрифини эсланг. У бу сафар ҳақида мамнуният билан шуни қайд этди: «Ушанда сиз бизни ҳайратга солгандаражада меҳмондўстлик билан кутиб олган эдингиз».

Давлат бошқарувида, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ривожланган мамлакатлардан ўрганиш, андоза олиш ғоят аҳамиятлидир. Германияга қилинган расмий ташрифда Президентимизнинг ана шу эзгу ниятни ўйлаб иш тутаётгани барчамизга аёндир. Ҳозирги вақтда Германия Федератив Республикаси бизнинг мамлакатимиз билан иқтисодий алоқаларни кенг миқёсда ва бажонидил амалга ошираяпти. Узбекистондаги 60 га яқин корхона германиялик сармоядорлар иштирокида фаолият кўрсатмоқда. Машҳур «Мерседес-бенц», «Алкатель», «Сименс» каби фирмалар кўпчилигимизга маълум бўлиб қолди.

Президентимиз ва у бошлиқ делегациянинг бу мафтункор диёрга сафари ғоят серқирра, сермаҳсул бўлди. «Буюк ипак йўли ворислари: Узбекистон» (Штутгарт) кўргазмаси немис халқида, расмий доира вакиллари орасида қизиқиш уйғотган бўлса, ажаб эмас. Қадим Туронзамин халқларининг уч минг йиллик тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи осори атиқалар немис халқига ҳайрат олами, мўъжизалар дунёси бўлиб туюлмадимикан? Ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек каби буюк боболаримизни ким ҳам билмайди, дейсиз?

Штутгартдаги ҳукумат уйи «Янги қаср»да сентябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган кўргазма ҳақида самимий фикрлар айтилди. Мазкур кўргазмада Германиянинг 100 та фирмаси иштирок этган эди. Бу мамлакатда кичик ва ўрта тадбиркорлик яхлит тарзда ривожланган. Мулоқотлар чоғида бу алоҳида қайд этилиб, мазкур фирмалар билан алоқа қилишга келишиб олинди.

Президентимизнинг Республика парламенти — Бундестагда бўлиши ғоят серҳаяжон, қувончли воқеа бўлди. Парламент ҳар бир давлатнинг энг юқори, нуфузли идораси. Бу идора фаолияти билан танишув, албатта, давлат бошқарувини шакллантириш масалаларига кўп жиҳатдан ёрдам бериши мумкин. «Қиссадан ҳисса» тариқасида бу қароргоҳда давлат раҳбарлари — Ислом Каримов ва Роман Герцог ўртасида олиб борилган музокаралар, қизғин ва самимий учрашувларнинг маҳсули сифатида қабул қилинган ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Иқтисодий ҳамкорлик, маданий алоқаларни ривожлантиришга доир, ҳаво йўли ҳақидаги ҳамда уюшган жиноятчиликка, терроризмга ва ўта хавфли жиноятларга қарши кураш борасида ҳакорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро бу ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Мухтасар қилиб айтганда, Германия Федератив Республикасига қилинган икки кунлик сафар халқимиз учун манфаатли, самарали бўлди. Зеро, ривожланган давлатларга уюштириладиган бундай сафарлар ўз аҳамиятини узоқ вақтларгача сақлаяжак.

Таниқлиқ, ижодкор ўқитувчи

МЎЪЖИЗАКОР ЁЗУВ ТАХТАСИ



Маърифатли кишиларнинг аксарияти ниманидир ижод қилишга орзуманд бўлишади.

Юксак маърифатни узининг муштдеккина юрагига жойлай олган бу муаллим ҳақидаги мақолани қай йўсинда ёзмоқ ҳақида анчагина ўйладим. Қалам аҳли ким ҳақида нимаики ёзмасин, аввало, унинг бошқалардан фарқли қандайдир жиҳатларини кашф этиш пайида булади.

Оддий қишлоқ ўқитувчиси Қобил Мусаев шахсини ўрганиш жараёнида унинг ижодкорлигига, ўз фанига ниҳоят даражада эътиқод қўйганига амин бўлдим. Унинг назарида, фанларнинг отаси — математика, у ёки тилсимот. Изласанг, ўйласанг, нимадир яратасан, топасан. Ал-Хоразмий, ал-Форобий, Улуғбек, Архимед, Декарт каби ўтмишдаги фозилларнинг ақл бовар қилмас ихтиролари қаршисида лол қолганингиз каби Қобил Мусаев яратган мўъжизакор ёзув тахтаси ҳам сизни бир зум математика оламининг сарҳадларига етаклайди. Сонлар, шакллар, чизиқлар уқувчининг тасаввурини кенгайтиришга баҳолиқудрат ёрдам беришига заррача шубҳа қилмайсиз.

Эҳтимол, бу ёзув тахтаси кўпчилик учун янгилик бўлиб туюлмас. Эҳтимол, Қобил Мусаевга ўхшаб ўзини ўтга, чўққа уриб ишлаётган фидойи ўқитувчилар: «Буни биз ҳам қила олардик!»— дейишлари мумкин. Аммо гап чиндан ҳам ана шу ёзув тахтасини иштиёқ билан ярата билишда. У яратган янгилик жуда ҳам содда. Математика фани дунёсида илгаридан кашф қилинган маъноларни бошқатдан яратилгандек ёки умумлаштирилгандек туюлади. Ёзув тахтаси бошланғич синфдан то олий ўқув юртигача бўлган барча дастурларни содда усулда ўзлаштиришга ёрдам беради. Яъни қирқ беш минутлик юзлаб дарсларнинг қамрови кенгроқ олинишига имконият яратилади. Самарқанд вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида унинг бу ишига «докторлик ҳимоясини ёқлаш мумкин» дея таъриф бердилар. 25 йиллик изланишнинг хулосаси эди бу. Инсон тафаккури нимага қодирлигини исботлаб турганга ўхшайди у яратган ёзув тахтаси.

Қобил Мусаев унча-мунча ўқувчилар тушуниб етмайдиган математика фанининг ўзлаштирилиши осон бўлсин учун қандайдир қўргазмали қурол ясаш кераклиги ҳақида ҳамиша ўйлади. Ўйлар унга тинчлик бермади. Ўйлар уни ҳузур-ҳаловатдан айирди. Бундай кўргазмали қурол ясай олишига ўзида салоҳият, маҳорат етарли эканлигига ишонарди у.

Ниҳоят, Қ. Мусаев ўзи орзу қилган, таъбир жоиз бўлса, ҳеч қачон эскирмайдиган, осонликча бузилмайдиган математика, алгебра фанидаги жамийки мавзуларга даҳлдор бўлган ўша ёзув тахтасини қунт билан, сабр-тоқат билан вужудга келтирди. У орқали турли-туман шакллар ясаш, амаллар бажариш, геометрик чизиқлардан тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Ишга ёзилган тақризни айнан келтирамиз.

«1. Координата текислиги. 2. Магнитли доска. 3. Сонлар ўқи. 4. Оддий алгебрик ва тригонометрик тенгламаларнинг ечилишлари» ёзув тахтасидан иборат. Декарт координата ўқлари ва ҳар бир ўқда 1:5 см масштабли нуқталарни белгиловчи михчалар қоқилган. Бу координаталар узининг абцесса ўқи атрофида сон ўқи вазифасини бажаради. Ёзув тахтасининг ўнг томонида юқоридан пастга қараб йўналган михчалар қатори жойлашган бўлиб, ҳарфлар кассаси, чап томондаги михчалар қатори сонлар кассаси вазифасини бажаради. Бу координаталар текислигида графиклар ва уларнинг параллел кўчирилишини кўрсатиш мумкин. Оддий ва тригонометрик тенгламаларнинг ечимлар доскасидан энг содда тенгламаларни ечиш услуби ва графиклари кўрсатилади.

Биз бу кўргазма асбобларини кўриб чиқиб, фойдали эканлигини кўзда тутган ҳолда Республика қуриктанловига тавсия этамиз».

Август ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган иқтидорли ўқитувчилар қурик-танловида Қобил Мусаевнинг ҳамма тушуна оладиган ёзув тахтасига юқори баҳо берилди. У биринчи ўринни эгаллади. «Ижодкор ўқитувчи» нишонини у қалби гупириб, куксига босди. Мана, энди у туманда, вилоятда, ҳатто Ўзбекистонда ҳам машҳур ўқитувчи сифатида тилга олинаяпти. Аслида, у шон-шуҳрат кетидан қувмади, унинг учун тиришмади. Орзуларнинг ушалиши шу булса керак. Ҳамюртлари, яъни қўшработлик маорифчилар ҳаваслари келиб, уни қутлашди. Узи ишлаётган 12-ўрта мактабда ҳурматобруси тағин ҳам ошиб кетди. Уни аввал директорликка тавсия этишди. Лекин у рад этди. Сунгра илмий бўлим мудирлигига таклиф қилишди. Қобил Мусаев: «Мени мансаб қизиқтирмайди!» — дея жавоб берди.

Инсон оддийликдан камол топади. Бу — унинг оддийлиги, уйқусиз тунлар эвазига, ҳузур-ҳаловатдан кечиб яратган иш энди юз кўрсатган пайтда бир чеккада қолиб кетишини истамаганлигидир. Содда ва осон тушуниладиган кўргазмали қуролнинг ўзига хослигини ўзга муаллимлар ҳам иш жараёнида қўллаб туриб, ишонч ҳосил қилсинлар. Халқ таълими вазирлигининг кўрсатмасига биноан, мазкур ёзув тахтаси 20 минг нусхада купайтирилиши керак.

Дарвоқе, Қобил Мусаев ёзув тахтасининг ўзига хослиги шундаки, математикадан тўрт амал ёки шакллардан бохабар бола у орқали фанни ўзлаштиришга асло қийналмайди. Ўқитиш жараёнида ундан фойдаланиш, биринчидан, дарс материалларини утишда вақтнинг тежалишини таъминлайди. Кўргазмалилик даражасининг юқори эканлиги жиҳатидан ўқитувчи меҳнатини осонлаштириб, дарс самарадорлигини кескин оширади. Хотирада узоқ муддат сақлаб қолиш имкониятини юзага келтиради. Шунингдек, дарс жараёнида мавзуни ўзлаштиришга кўп ўқувчиларни фаол жалб қилиш мумкин булади.

Қобил Мусаевнинг эътироф этишича, бу янгиликни физика, кимё, география фанларидаги айрим мавзуларга ҳам татбиқ этиш мумкин. Олимлар қайд этиб берган қоғозчаларни у ўз папкасида авайлаб сақламоқда.

Узбекистон Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика таълим илмий-методика марказининг кўргазма залидан жой олган Қ. Мусаевнинг ёзув тахтаси яқин орада кўп нусхада ишланиб, умумтаълим мактабларига тарқатиш ҳақида буйруқ чиқарилган. Бу иш қанчалик тез ва соз амалга оширилса, ютиш ва фақат ютиш мумкин.

— Математикадан яхши ўзлаштирган бола бошқа фанларни урганишга қийналмайди, — дейди Қобил Мусаев. — У ақлни пешлайдиган, ўткирлаштирадиган фан. Фикрлаган бола дарсни тез уқади. Координата текислигига қоқилган михчалар резина, мочалка ёрдамида ҳаракатланади. Кўпбурчак, учбурчак, тўғри чизиқ, пирамида, призма — ҳамма-ҳаммасини ўқувчига ана шу тахтачада кўрсатиб, хотирасида узоқ вақт сақласа булади. Ёки бўлмаса, темирдан ясалган магнитли ёзув тахтаси учун махсус кўргазмали қуролчалар ҳам яратдимки, зарур пайтда қоғознинг орқасига ёпиштирилган магнитчалар ёрдамида уни ёзув тахтасининг керакли жойига қўяман. Мен ўқитаётган 6 — 8-синф ўқувчилари орасида математикага қизиқмайдиганлари йўқ. Камина яратган ёзув тахтасига ўқувчиларим ҳам бефарқ қарашмаётганини сезяапман. Улар ҳам ниманидир мушоҳада қилишга интилишмоқда. Демак, янгилик уларга ниманидир бераяпти.

Қани эди, ҳар бир ўқитувчи ҳар бир дарсда ҳар бир болага Қобил Мусаев каби нимадир бера олса. Қани эди, ўтаётган дарсларига маош олаётган кўп сонли муаллиму мураббийларимиздан атиги 50 фоизи у сингари фикр юритса, қани эди!..

Начора, орзуга айб йўқ!

Қувончли муждалар ҳар доим яшин тезлигида тарқалади.

Камсуқумгина, тиришқоқ, заҳматкаш, бошига дуппи қундирган Қобил Мусаевнинг номи 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганлар руйхатида турибди. Ҳа, нуфузли орден уз эгасини топди!

Мўъжизакор ёзув тахтаси эса хилма-хил алгебрик шакллар, амаллар, функциялар, сонларнинг сиру асроридан «сўзлайверади».

Ҳ. ТЎЙМАНОВА,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ПЕДАГОГИК ЎҚИШЛАРГА ҲОЗИРЛИК

Республикамизда анъана бўлиб қолган педагогик ўқишлар кўпминг кишилик ўқитувчилар ҳаётида муҳим воқеадир. Одатда муаллимлар бу ўзига хос қўрикка катта иштиёқ билан тайёргарлик кўрадилар, ўз маърузаларида жамоаларидаги изланишларни, янгиликларни, педагогик фаолиятдаги ижодкорлик, услубий шакллар ва кашфиётларни баён этишга интиладилар. Айни пайтда баҳс-мунозараларда ўзлари учун ҳам янгиликларга эга бўладилар.

Ана шундай воқелик яқин: 1996 йил март ойида навбатдаги Республика педагогик ўқишлари бўлади. У қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрида ўтказилади. Айни кунларда эса педагогик ўқишларга ҳар томонлама тайёргарлик ишлари олиб борилаётир.

Маълумки, педагогик ўқишлар бир неча босқичда ўтказилади. Маърузалар аввал мактабларда, сўнг туман (шаҳар) ва вилоят босқичларида кўриб чиқилади. Энг яхши маърузалар республика босқичига тавсия этилади.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида Республика педагогик ўқишларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Педагогик ўқишларга тайёргарликнинг аҳволи, уни уюшқоқлик билан ўтказишга ҳозирликни янада кучайтириш вазифалари тўғрисида ташкилий қўмита раиси, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. С. Саиджонов, халқ таълими вазирининг ўринбосарлари Х. Ф. Маъсудов, М. С. Султонов, халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев, ХТВ таълим стандартлари бўйича Давлат инспекцияси бошлиғининг ўринбосари Э. Галикеев, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари М. Яҳёев сўзладилар .

Мухбиримиз.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига ишонч билан кириб бораяпти. Бу жараён халқ хўжалигининг, илм ва маданиятнинг кўпгина соҳаларида амалга ошаяпти. Халқ таълими соҳасида ҳам хорижий давлатлар билан кенг миқёсда алоқалар ўрнатилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида чет эл элчихоналарининг таълим соҳасидаги маслаҳатчилари ҳамда ХТВ тизимига тааллуқли муассасалар раҳбарлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Учрашувни халқ таълими вазирининг ўринбосари Х. Маъсудов кириш сўзи билан очди. У ўз сўзида Ўзбекистон халқ таълими ва хорижий давлатлар таълим тизимидаги ҳамдўстлик ва алоқалар тобора кенгайиб бораётганини, бу ишларда АКСЕЛС ишончли ҳамкор бўлаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Бу алоқалар ва Ўзбекистон халқ таълимининг жаҳон андозаларига жавоб берадиган мавқега кўтариш борасидаги ишлар ҳақида ХТВ ўрта умумий таълим Бош бошқармасининг бошлиғи Г. Алимова, ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи У. Раупов, педагогик таълим ва фан бош бошқармасининг бошлиғи М. Яҳёев, РТИММ директори Ҳ. Бобобеков ва бошқалар сўзга чиқдилар.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили жаноб Ханно Гартнер, Франция элчихонаси маслаҳатчиси Лефевр, Туркия элчихонаси маслаҳатчиси Аҳмад Севги ва бошқа қатор хорижий давлат вакиллари узаро алоқалар хусусида фикрларини айтишди. Хусусан таълим тизими андозасига тўғри келадиган бутун дунёнинг янги тарихи дарслигини яратиш тўғрисидаги таклиф, педагогикага оид халқаро кутубхона ташкил этиш борасидаги фикрлар кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Д. АҲМАДЖОНОВ.

Расмий бўлим

ОЛИМПИАДАГА МАРҲАБО!

Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев «1995-96 ўқув йилида Узбекистон мактаблари ва ҳунар-техника таълими муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасини ўтказиш ҳақида»ги буйруққа имзо чекди.

Ҳужжатда қайд этиладики, умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаси мактаблар, махсус мактаб-интернат, гимназия ва айрим фанлар чуқур ўқитиладиган мактаблар ўқувчилари ўртасида ўтказилади. Ҳунар-техника таълими муассасалари ўқувчилари умумтаълим фанларидан III-IV босқичларда мактаб ўқувчилари билан бирга иштирок этадилар (Техникавий чизмачилик бундан мустасно).

Одатдагидек олимпиада тўрт босқичда ўтказилади. Биринчи босқич шу йил декабрь ойида мактаблар, ҳунар-техника билим юртларида, иккинчи босқич 1996 йил январь ойида туман (шаҳар)ларда, учинчи босқич 1996 йил февраль ойида вилоятлар (Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри)да, тўртинчи босқич 1996 йил март ойида Республика бўйича бўлиб ўтади.

Олимпиаданинг тўртинчи босқичида фақат 11-синф ўқувчилари иштирок этадилар ва у барча умумтаълим фанлари бўйича Тошкент шаҳрида Республика талаба танлов марказида ўтказилади. Вилоят олимпиадаси ғолиби бўлган 9-синф ўқувчиси эса ўз вилояти ҳудудида жойлашган педагогика билим юртлари ва лицейларга синов имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Буйруқда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва вилоят халқ таълими бошқармалари зиммасига юкланган қатор тааллуқли вазифалар ҳам қайд этилган. Фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиаданинг босқичларига доир барча тадбирлар, ташкилий ишлар «Узбекистон мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси ҳақида Низом»га мувофиқ бўлиши лозим. Низомда олимпиаданинг мақсад ва вазифалари, шунингдек уни ўтказиш тартиблари батафсил белгилаб берилган. Унда методик тавсиялар ва баҳолаш мезонлари Республика Таълим илмий-методика маркази томонидан ишлаб чиқилиши қайд этилган.

Олимпиаданинг биринчи — мактабларда ўтадиган босқичида унда иштирок этишни истаган 5—11-синфларнинг барча ўқувчилари қатнашиши мумкин. Айни бир пайтда ҳар бир иштирокчи бир йўла бир неча фандан ўз билимини синаб кўриш имконига ҳам эгадир.

Иккинчи босқичда 9,10,11-синф ўқувчилари қатнашадилар. Олимпиаданинг ўтказилиш вақти ва жойи ташкилий қўмитаси таркиби ҳамда ҳакамлари ҳайъати туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан белгиланади.

Учинчи босқич ҳам тест синови усулида амалий топшириқларни қўлланиш йўли билан ўтказилади. Унда иккинчи босқич ғолиблари, шунингдек ўтган йилги Республика олимпиадасида 1 даражали диплом билан тақдирланган 10-синф ўқувчилари белгиланган тартибда қатнашадилар. Ғолиблар ҳар бир фан бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади ва қуйидагича белгиланади.

биринчи ўрин 1 та ғолиб;
иккинчи ўрин 1 та ғолиб;
учинчи ўрин 1 та ғолиб.

Хорижий (инглиз, немис, француз) тилларининг ҳар биридан 1 тадан ғолиб белгиланади. Яъни:

биринчи ўрин 3 та ғолиб;
иккинчи ўрин 3 та ғолиб;
учинчи ўрин 3 та ғолиб.

Шарқ (араб, форс, ҳинд, хитой, урду) тилларининг ҳар биридан 1 тадан ғолиб белгиланади. Яъни:

биринчи ўрин 5 та ғолиб;
иккинчи ўрин 5 та ғолиб;
учинчи ўрин 5 та ғолиб.

Учинчи босқич олимпиадасида биринчи ўринни олган 9-синф ўқувчиси педагогика билим юртларига ва ғолиб чиққан фан йўналишидаги янги турдаги ўқув муассасалари (гимназия, лицей)га имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда ҳакамлар ҳайъати томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

Фанлар бўйича ўқувчилар олимпиадасининг тўртинчи босқичи Тошкентда Республика талаба танлов маркази базасида 1996 йилнинг 25—29 мартида мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил кунларида ўтказилади. Унда олимпиаданинг учинчи (вилоят) босқичи ғолиблари бўлган 11-синф ўқувчилари иштирок этадилар. Шунингдек чизмачиликни ўрганиш 8-синфда, география 10-синфда тугалланиши, техник чизмачилик эса ҳунар-техника билимюртларида ўрганилиши ҳам ҳисобга олинган. Шунинг учун бу фанлар бўйича олимпиаданинг тўртинчи босқичида тааллуқли равишда 8 ва 10-синф ўқувчилари, шунингдек ҳунар-техника билим юртлари талабалари қатнашадилар.

Низомда ташкилий қўмита, жюри, апелляция комиссияси аъзолари вазифалари, ҳал этадиган масалалари белгилаб берилган.

Олимпиадани якунлаш ва ғолибларни аниқлашга доир бандда қуйидагилар қайд этилган. «... ғолиблар ҳар бир фан бўйича 1-ўринга битта, 2-ўринга битта, 3-ўринга битта аниқланади. Якунловчи босқичнинг ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1-,2, 3-даражали дипломи ва эсдалик совғалари билан мукофотланади. Олий ўқув юртларига имтиёзли кириш учун гувоҳнома олиш ҳуқуқига эга бўлган ўқувчилар Республика олимпиадаси натижасига кўра 75 ва ундан юқори баллик рейтингга эга бўлган қатнашчилар орасидан танланади. Натижага кўра I,II,III ўринларни эгаллаган қатнашчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 157-қарорига асосан имтиёзли гувоҳномалар билан тақдирланадилар».

Республика таълим муассасаларида 1995-1996 ўқув йилида олимпиадалар ўтказилиши белгиланган умумтаълим фанлари қуйидагилардан иборат:

1. Она тили ва адабиёт
2. Узбек тили ва адабиёти (рус гуруҳларида)
3. Рус тили ва адабиёти (узбек гуруҳларида)
4. Рус тили ва адабиёти (рус гуруҳларида)
5. Физика
6. Математика
7. Биология
8. Химия
9. География
10. Информатика ва ЭҲМ
11. Ҳуқуқшунослик
12. Тарих
13. Чизмачилик
14. Техникавий чизмачилик
15. Қозоқ тили ва адабиёти
16. Тожик тили ва адабиёти
17. Хорижий тиллар (инглиз, немис, француз)
18. Шарқ тиллари (хитой, урду, араб, форс, ҳинд)
19. Она тили ва адабиёти (дефектология мактабларида)

Қабул қилинган буйруқда олимпиадага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси ҳамда апелляция комиссияси таркиблари ҳам тасдиқланди.

Навоийнинг жилла қурса бир сатрини англаб етмоқ учун унинг кўнгил дарёсига («сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгулдур» Навоий) бирров бўлса-да шўнғиш ҳадисини олмоқ керак. Яссавий ҳикматларининг ботинига назар ташлаш учун, улардаги илоҳий тажаллийнинг ҳеч бўлмаса бир қатимини илғай олиш лозим. Машрабнинг «девона сийрати»ни ўқимоқ учун ошиқ кўз (кўнгилга ҳали бор!) бўлиши керак. Бирор ориф кимсанинг пешравлигисиз эса бу мақомотларни уддалаш мушкул.

Тошкент туманидаги 15-ўрта мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси Шоҳида Мирсолиева шундай орифлардан. У ўқувчилар қалбини адабиётга ошиқлик маърифати ила мунаввар этиб келмоқда.

СУРАТДА: маърифат онларидан бир лаҳза.

А. АКМАЛОВ олган сурат.

Тажриба масканлари

МУҲИМ МЕЗОН

Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида қайд этилган вазифаларни амалга оширишда ҳар бир боланинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан ривожланишини таъминлаш учун моддий-иқтисодий ва руҳий-маънавий шароит яратиш муҳимдир. Бу жиҳатдан таълим-тарбия муассасаларида психологик хизматнинг жорий этилиши катта аҳамият касб этади. У ўқувчиларнинг ақлий тараққиёти ва шахс ривожланишидаги сифат ўзгаришларини, уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари асосида таълимни ташкил этиш ва олиб бориш, жамоада мўътадил психологик муҳитни яратиш, ўқувчиларнинг психологик маданиятини ривожлантириш, энг муҳими, ҳар бир боланинг интеллектуал ривожланишини таъминлаш имконини беради. Вилоятимиз таълим-тарбия муассасаларида психологик хизматни йўлга қўйиш эҳтиёжи ана шундан келиб чиқди десак, хато қилмаймиз.

Республикамизда ишлаб чиқилган мукаммал психологик хизмат тизимининг йўқлиги, психологик мутахассисларнинг етишмаслиги, шунингдек, ўзбек тилидаги адабиётларнинг камлиги бошлаган ишимизни қийин аҳволга солиб қўйди. Махсус тайёргарлик ва малакага эга бўлмаган кишиларнинг психолог вазифасида ишлай бошлаши, хайрли ишнинг мазмунига путур етказишини тушунган ҳолда (юқоридан қутиб ўтирмай) Бухоро туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан мактаб амалиётчи психологларининг қайта тайёрлаш курсларини ташкил этдик. А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ ректори, профессор Ғ. Шоумаров раҳбарлигида институтимиз мутахассиси Й. Асадов томонидан 810 соатга мўлжалланган ўқув дастури ишлаб чиқилди. Шу дастур асосида 1993-94 йиллар давомида 72 педагог амалий психология асосларини ўрганиб махсус тайёргарликка эга бўлдилар.

Республикамизнинг етук психологлари — профессор Б. Қодиров, психология фанлари доктори Р. Гайниддинов ва доцент Н. Согиновларнинг яқиндан берган ёрдамлари курсларимизнинг сифат самарадорлигини оширди.

Вилоятимиз мактабларида фаолият кўрсатаётган мактаб психологлари тажрибасини ўрганмасдан, халқ таълими раҳбарлари ва ўқитувчиларининг психологик саводхонлигини такомиллаштирмасдан туриб, тўлақонли хизматни амалга ошириш қийин, албатта. Шунинг учун ҳам вилоят педагогларининг «Умумпсихология таълими» дастури ишлаб чиқилди ва барча бўғин раҳбарлари ва ўқитувчилари учун қисқа муддатли мақсадли ўқувлар ташкил этилди.

Бошлаган ишимизнинг бирламчи натижаларини умумлаштириш, таҳлил этиш ва муаммоларни белгилаб олиш мақсадида 1994 йилнинг май ойида «Таълим-тарбия муассасаларида психологик хизматни йўлга қўйишнинг назарий ва услубий асослари» мавзуси бўйича вилоятларо илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда 50 дан ортиқ маруза қилиниб, психологик хизматни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мактаб психологлари фаолиятини мақсадга йўналтириш, уларга амалий-услубий ёрдам бериш учун бизда психологик хизмат маркази фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари ишлаётган психологларнинг доимий ҳаракатдаги ўқувлари уларнинг малакасини мунтазам ошириб боришда самара бермоқда.

Вилоятимизнинг Бухоро, Когон, Пешку туманлари мактабларида йўлга қўйилган психологик хизматнинг ижобий натижаларини алоҳида қайд этиш мумкин. Мактабларда психологнинг самарали ишлаши учун етарли шарт-шароитлар мавжуд: улар учун психологик хизмат хоналари ажратилган булиб, хоналар адабиётлар, махсус методик қўлланмалар билан таъминланган ва жиҳозланган. Мазкур туманларнинг мактабларида психологик хизмат Низоми асосида фаолият кўрсатаётган психологлар болаларни мактабга қабул қилиш билан шуғулаланаётирлар, махсус психологик жамоаларда психологик муҳитни мўътадиллаштириш, ўғил-қизларнинг руҳий зўриқишларини бартараф этиш, педагог ва отаоналарнинг психологик саводхонлигини ошириш борасида эътиборга лойиқ ишларни амалга оширмоқдалар. Масалан, Бухоро тумани 10-мактаб психологи Ж. Удаевнинг бевосита ташаббуси ва ёрдами билан гимназия синфи, чет тили, математика фанларини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўзлаштирувчи синфлар ташкил қилинган. Бу синфларда психологнинг ўзи бевосита ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ўрганиб боради ва тегишли тавсияларини ўқитувчиларга етказади. Бунинг учун кўргазмали восита ва етарли адабиётлар йиғилган. Психологик хизмат хонасида эса педагог учун гуруҳий ва индивидуал маслаҳатлар ташкил этилди.

Иқтидорли болалар лицейи психологи Г. Жумаеванинг тажрибасидан доимий ҳаракатдаги «Ўзлигини англаб», «Руҳшунос ойнаси» стендлари ўқувчи ва педагоглар учун ўзларига тегишли тавсия ва маслаҳатларни олишга қўл келмоқда. Психолог ёрдамида туман мактабларидан умумий қобилиятга эга бўлган болалар танлаб олинган ва психодиагностика методикалари асосида махсус қобилиятлар бўйича уч йўналишда (тиббиёт, риёзиёт ва чет тили) гуруҳ ва синфлар ташкил этилган. Лицей психологи «Ўқувчиларнинг иindивидуал ижодий қобилиятларини такомиллаштириш» муаммоси бўйича иш олиб бормоқда.

Когон тумани 1-мактаб психологи Ш. Солиевнинг болаларни мактабга руҳий тайёргарлигини ўрганиш, руҳий ривожланишдан ортда қолган болалар билан амалга оширилган психопрофилактика, психокоррекция ишлари ҳам самарали бораётганлигини эътироф этиб, психологнинг бошқа мактабларнинг педагогларига бераётган ёрдамини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мактаб психологи ва ўқитувчи фаолиятини узвийлаштириш, уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш, педагогларни етарли психологик билимга эга бўлишига ундайди. Бу малака оширишнинг шакл ва мазмунини ҳам маълум даражада «Психологиялаштириш»ни тақозо этади.

Институтимиз томонидан ташкил этиб ўтказилаётган таълим-тарбия жараёнининг психологик муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган семинарлар, лекторий, мунозарали давра суҳбатлари, қисқа муддатли муаммоли курслар, махсус психологик синов машғулотлари мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Айниқса, малака ошириш курслари давомида ўқитувчилар билан «Педагогик мулоқотни коррекциялаш» ва «Таълим- тарбия жараёнида руҳий ҳолатларни идора этиш» бўйича ўтказилаётган психологик синов машғулотларининг яхши самара бераётганини қайд этиш мумкин.

Мактабларимизда йўлга қўйилган психологик хизматни илмий асосда амалга ошириш, услубий таъминотни яхшилаш мақсадида институтимизда педагогика ва психология кафедрасини ташкил этдик. Бундан ташқари олий ўқув юртларининг психология кафедралари, республикамиз ва бошқа мамлакатлар ўқув юртлари билан ҳам кенг ҳамкорлик қилишга интилмоқдамиз. Хуллас, асосий мақсадимиз вилоятнинг барча мактабларини махсус тайёргарликка эга бўлган психолог мутахассислар билан таъминлаш, психологик хизматни мазмунан такомиллаштириш ҳамда олдимизда турган кўп муаммоларни бартараф этишдир.

Ш. СОЛИЕВ,
Бухоро вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти ректори.

«Маърифат» хабарлари

«АМИР ТЕМУР» РОМАНИНИ ЎҚИШ ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

ТОШКЕНТ. Миробод туманидаги 125-мактаб Низомий номидаги педагогика институтининг «Узбекистон тарихи» кафедраси билан ҳамкорлик ўрнатган. Ўқувчиларда тарихни ўрганишга қизиқиш катта. Уларнинг чуқур билимга эга бўлишлари учун мактаб тарихчи-педагоглари билан институт кафедра ўқитувчилари ўзаро тажриба алмашмоқдалар, биргаликда турли тадбирлар ташкил этишаяпти.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири улуғ бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилди. Илмий-назарий анжуманда ўқувчиларга таниқли тарихчи олим Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» романини ўқиб чиқиш ҳавола этилди.

М. МИРПЎЛАТОВ, Д. БАҲРОНОВ.

ЎҚИТУВЧИЛАР БОШҚОШ

ПАХТАЧИ туманидаги бир қатор мактаблар ва 15-касб-ҳунар лицейи ўқувчилари «Оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олишда ота-оналарига ёрдамлашишди. Хусусан, 27-ўрта мактабнинг 400 га яқин ҳашарчи-ўқувчилари ва 30 дан ортиқ педагоглари Тош Кенжаев хўжалиги пахтакорларининг оғирини енгил қилишди.

М. Қувондиқова, Г. Низомова, О. Абдуаҳатова ва Г. Расулова каби ўқитувчилар пахта теримини ташкил этишда бошқош бўлишди.

М. СУЮНОВ.

КУТУБХОНА БОЙИДИ

ШАҲРИСАБЗ шаҳридаги М. Бедил номидаги 13-ўрта мактаб кутубхонаси 400 дона бадиий китоб билан бойиди. Бу китобларни мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, моҳир педагог Алишер Холов ўз шахсий кутубхонасидан тақдим этди. Бу хушхабар нафақат ўқитувчиларни, балки ўқувчиларни ҳам қувонтирди.

М. АШУРОВА.

БОҒИШАМОЛДА ТЎЙ

Самарқанд шаҳар Боғишамол туманидаги 45-мактаб ўзининг қутлуг 60 йиллигини нишонлади. Биз ардоқлаб тилга олаётган бу даргоҳда юзлаб саноат, қишлоқ хўжалик ходимлари, олимлар таҳсил олганлар.

Самарқанд савдо институтининг ўқитувчиси Р. Гульянц 1941 йил гугатган биринчи битирувчилар номидан хотираларини сўзлаб берди. Қутлуг даргоҳнинг директори, «Дўстлик» ордени кавалери Ирина Афанасьева мактабнинг 60 йиллик тарихидан ҳикоя қилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Х. Нормуродов ва Боғишамол тумани ҳокими А. Тўхтамурадовлар мактаб жамоаси шаънига илиқ сўзлар айтишиб, К. Шабанов, А. Забурунова, А. Любутская, В. Казаковичларга «Узбекистон халқ таълими аълочиси» нишонларини топширди.

Э. МАҲМУДОВ.

Буюк олломанинг боқий мероси

Ибн Синонинг таълим-тарбияга оид қарашлари унинг юзлаб асарлари сатрларида қамралган, мисоли бир бекитилган жавоҳирдек уларга сочиб юборилгандай. Айниқса, алломанинг «ал-Ишорот ва ат-танбиҳот» асарида худди терилган маржон каби, шундай жумла ва иборалар жой олган. Бу ҳақда ибн Сино ёзади:

«Э оғайним, сен ушбуни билиб ол! Мен бу «Ишоратлар»да сенга ҳақиқат қаймоқларини сузиб бердим, латиф сўзларга ҳикмат луқмаларини қўйиб ошатдим, сен энди уларни билиб олиб, унинг қадрига етмайдиган, ўзи нодон, фанда билим ва уқувсиз, уқувга ўрганмаган, биринчи кўришдаёқ сен билан жонажон дўстдек, қалин бўлиб кетадиган, лекин ўзи маърифатдан маҳрум бўлган, кимки файласуфман, деса уни адашганлар қаторига қўшадиганлардан бахилларча сақлан» (Абу Али ибн Сино, Китоб ал-Ишорат, УзФА шарқшунослик институти фонди, қўлёзма инв. № 2213, 13-А варақ).

Ибн Сино бу борада фикр юритар экан, одамлар орасида тиббий маълумотни кенгроқ ёймоқчи бўлади. Унинг ақидасига кўра, ҳар бир киши табобатнинг бир қатор умумий томонларидан хабардор бўлиши керак. Бу эса инсон учун ҳар қадамда зарурат. Ана шунинг учун ҳам у бу фикрини амалга ошириш ниятида ўзидаги шеър ижод қилиш қобилиятидан фойдаланмоқчи бўлади. Шу тариқа тиббий насиҳатлар ёзиш фикрига тушади. У бу йўлда дастлаб машҳур ҳаким Таёзуқнинг ҳикматли сўзларини шеърга солади, бу эса одамларга мақбул бўлади.

Маълумки, Таёзуқ Уммавийлар халифалиги даврида Ҳажжож ибн Юсуф (661-714) ҳузурида хизмат қилган тибибдир. Ҳатто унинг «Куннош» деган тиббий асари ҳам бўлган. Ибн Синонинг бу шеъри араб тилида ёзилган бўлиб, Узбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида мавжуд (3008 рақамли қўлёзманинг 431 а-б варағида сақланади). Унинг узбекча шеърий таржимаси қуйидагича:

Еган бўлсанг таомнинг ҳазм бўлмасдан олдин —
Яна устига-устак емоққа йўқ зарурат.
Чайнашдан тишлар ожиз бўлган таомни ютма,
Таомнинг энг ёмони бу, қоринга бўлгай офат.
Ҳафта ичида бир бор қайт қилиш сенга лозим,
Балғам зарарларидан омон қолгайсан минбаъд.
Оғир ҳужуму таҳдид, ҳатто қолсанг хатарда
Сурмай кейинга асло ичингни тезроқ бўшат.
Силкит ухлашдан олдин, пок эт танинг чиқитдан.
Истасанг яхши уйқу, ҳар кун бўлсин шу одат:
Кун аро ҳаммом тушмоқ тарк этма одатини,
Танинг топар парвариш, юрурсан соғ-саломат.
Дору-дармон ичмакка узингни кўп ўргатма,
Дори ичиш ножоиз етмасдан катта иллат.
Бордию зўр эҳтиёж ғар айласаки мажбур,
Ишлат, дори таянчдур, бўлур баданга қувват.
Бу ҳикматни атайлаб бир кун Ҳаким Таёзуқ
Нуширавон одилга қилган экан насиҳат.

Ўрта аср араб олими ибн Абу Усайбианинг «Уюн ал-анбо фи табақот ал-атиббо» («Табиблар даражасини белгилаш учун хабарлар чашмаси») асарида келтиришича, вазир Абу Толиб ал-Алавийнинг афт-башараси, пешонасига яра тошиб кетган, ноилож қолган вазир ёрдам сўраб ибн Синога мурожаат қилган. Ибн Синонинг шеъриятдан хабардорлигини яхши билган вазир араб тилида ўзича шеър ёзиб, ундан даволашни илтимос қилган. Ўша шеърнинг таржимаси қуйидагича:

Мавлоно Шайхимиз, биздек соҳиб олам,
Сиздек аҳли саховатдан истар карам.
Бошим билан пешонамга тошкан яра,
Умри узоқ бўлгур Шайхга бўлдим қарам.
Шоҳ топиб берсангиз дардим чорасин,
Сизни айлай дуо, э зоти муҳтарам.

Шеър ёзиш нуқтаи назаридан қараганда бу байтлар бадиий томондан унча юқори даражада битилган шеър ҳам эмас, лекин шеърий хат битиш ҳамманинг қўлидан ҳам келавермаган. Шунинг учун ҳазил-мутойиба тарзида йўлланган мактубга ибн Сино ҳам «қарз» бўлиб қолмай, ўша қўйда шеърий жавоб ёзиб юборган, унда даволаш йўлларини ҳам кўрсатган:

Тангри ўзи берсин шифо, дард аритсин пешонадин
Марҳамати бўлсин доим кетмай қутлуғ остонадин.
Ушбу дардларнинг иложи исҳол қилишдир, аввало,
Байт маъноси сенга бўлур керак дору дармонадин
Энсага қонни сўргувчи зулук қўймоқ маслаҳатдур,
Агарда у истамаса қориқ қўймоқни янадин.
Эт емоқни тарк айласин, ҳазми енгил таом есун,
Шаробга қўл чўзилмасин, то кетмагай дард танадин.
Эзиб мажнунтол новдасин гулобга омухта этиб,

ТИББИЁТ, ТАЪЛИМ...НАЗМ

Юзга суртсун ухлаганда ҳар замон — ҳар замонадин.
Қадамасин тугмаларин бўғадиган ҳам тор қилиб,
Жаҳли чиқиб бақирмасин ҳар хил сабаб — баҳонадин.
Илож шудир, ҳар кимики айтганимга қилгай амал,
Топгай шифо, оҳиста дард орийди ўз ошёнидин.

Ибн Сино табобатни ўрганган ва у билан шуғулланган дастлабки кезларида шеириятдан яхши хабардор бўлганлиги жиҳатидан кўп тиббий масалаларга бағишлаб шеърий асарлар — достонлар ёзган, шу шеърий йўл орқали булардан одамларнинг баҳра олишини ўйлаган.

Ўржуза деб аруздаги ражаз вазнида ёзилган асарларга айтилади. Биз уни достон десак ҳам бўлади. Ибн Сино табобатга оид ундан ортиқ бундай асар — ўржузалар ёзгани маълум. Булар ҳаммаси тиббий асарлар ҳисобланади. Шу билан бирга ибн Сино ражаз вазнида мантиққа оид ҳам асар ёзади, уни «Ўржузат фи-л-мантиқ» — «Мантиққа оид ўржуза», (яъни достон) деб атайди. Булардан кўринишича, ибн Сино табобатда, ҳатто мантиқдаги баъзи масалаларни шеърий йўлда тарғиб қилишга уринган, ўзи қўтармоқчи бўлган мантиқ масалаларини одамлар дурустроқ билишини истаган.

Ибн Синонинг бу хусусдаги қилган ишлари — ёзган асарларини тасаввур қилиш учун бу ерда унинг номларини келтирамиз, чунки бу асарлар мавзуини билган киши ибн Синонинг ёзмоқчи бўлган бу хил ўгит-асарларидан хабардор бўлади.

Ибн Сино ўржузалари қуйидагилар:

1. Ўржузат фи-т-тиб (тиббий достон). Бу ибн Синонинг энг катта ўржузаси. 1326 байт, яъни 2652 мисра шеър.

2. Ўржузат фи-т-тиб фи фусул ал-арбаа. (Йилнинг тўрт фасли ҳақида ўржуза). Бизгача сақланиб қолган бир қўлёзма нусхада 133 байт, бошқа бирида 118 байт, учинчи нусхасида кўпроқ — 128 байт.

3. Ўржузат фи-л-мужаррабод. (Тажрибадан ўтган даволар ҳақида ўржуза). Бу асарнинг Америкада сақланган нусхаси 280 байт (560 йўл) шеър. Венадагида 255 байт, яна бошқа бирида 418 байт.

4. Ўржузат фи васоё Абуқрот (Ҳиппократ насиҳатлари ҳақида урзужа) Ватиканда сақланган нусхаси 306 байт, бошқасида камроқ.

5. Ўржузат фи хифзи ас-сиҳҳа (Соғлиқни сақлаш ҳақида ўржуза).

6. Ўржузат фи-т-ташриҳ («Анатомия ҳақида ўржуза) 156 байт, 312 йўл шеър.

7. Ўржузат фи васайа ат-тиббийа (Тиббий насиҳатлар ҳақида ўржуза).

8. Ўржузат фи-л-боҳ — Алоқа ҳақида ўржуза.

9. Ўржузат фи-л-ҳаммиёт — Иситма-безгак ҳақида ўржуза.

10. Ҳиппократнинг ўлимга далолат қиладиган йигирма беш масаласи ҳақида ўржуза.

11. Ўржузат фи қазоё тиббия — тиббий масалаларга оид ўржуза.

12. Ўржузат фи-л-мантиқ (мантиқ ҳақида ўржуза — достон) Бу 287 байт, яъни 574 йўл шеър.

13. Буларга фалсафий мавзуда ёзган достони — «Ал-Жумонат ал-илоҳийа» («Илоҳий дурдоналар») ни қўшсак, (334 байт, яъни 668 йўл шеър), ибн Сино достонларининг сони ўн учтага боради.

Бу номи зикр қилинган достонларни ҳажм жиҳатидан ўйлаб кўрсак ҳам, ибн Сино бу борада анчагина сермаҳсул иш қилганини кўрамиз.

Аллома битган бу достонлар тўрт минг байтдан ортиқ чиқади. Бу демак, ибн Сино саккиз минг мисрани ташкил қиладиган тиббий ва фалсафий ўгит ёзгандир.

Чиндан ҳам ибн Синонинг бу достонлари таржима ва таҳлил қилишга молик асарлардир. Зотан, ибн Сино бир достонида ёзади:

Худди табиб бўлган каби баданга шоҳ,
Шоир тилнинг амиридир, назми гувоҳ.
Қайраса тил нафсин бир йўл фасоҳат-ла,
Даволайди табиб танни назокат-ла.
«Ўржуза»да бор табобат топди камол,
Ҳам назарий, ҳам амалий бўлиб мисол.
Мана энди хайр ишига азм айладим,
Эсда бўлган насрларни назм айладим.

Абу Али ибн Сино барча ижодида, тиббий достонларида ҳам одамларни соғлиққа, бардамликка чорлайди. У бу хил асарларининг ҳар бир сатрида келажак авлодга таълим-тарбия беришга ундаб, тиббий насиҳатлари орқали одамларни эзгуликка чорлайди.

ИБН СИНО ҲАҚИДА АФСОНАЛАР

МУШУК ТОМИРИ

Табиб Абу Али ибн Сино эртаю кеч хасталарни уйида қабул қилар экан. Хасталарнинг азбароби кўплигидан уларни қабул қилишга вақти ҳам етишмас экан. Шу сабабдан табиб ўзи ўтирадиган қабулхонадан кўча томонга ип тортиб қўйибди. Касал киши кўча томондан бўлса ҳам, ўша тортиб қўйилган ипни ушлаб турса, унинг титрашига қараб томир уришини билиб, дарди нима эканини айтиб бера олар экан.

Бир куни аллақандай хотин ибн Синони бир синаб кўрмоқчи бўлибди. У кўчада дайдиб юрган оч бир мушукни тутиб келибди-да, унинг бир оёғини ипга боғлаб қўйибди. Абу Али ипни ушлаб кўриб шундай дебди:

—Бу хаста ўтган ҳафта бешта мушук туққан экан, унинг очлиқдан бўлак дарди йўқ. Агар топилса, бешта сичқон тутиб беринглар, жуда бўлмаса икки тишлам эт беринглар, шу билан соғайиб кетади.

Бу гапни эшитиб ҳамма турган одамлар хотинга қарабди. Унинг қўйнида мушук борлигини, бу мушук чиндан ҳам ўтган ҳафтада туққани маълум бўлгач, кишилар ундан баттар ҳайрон бўлишибди.

Абу Али ибн Сино ақлининг бу қадар ўткирлигига кишилар қойил қолишибди. Хотин эса Абу Али ибн Синодан узр сўрашга мажбур бўлибди.

СОМОН ЕГАН

Абу Али ибн Синога жигари хаста бир касални бориб кўришни илтимос қилишибди. Лекин ибн Синонинг вақти зиқ бўлгани учун унинг ҳузурига беморнинг пешобини олиб келишни, шунга қараб касалини белгилаб, нима даво қилиш кераклигини айтиб берадиган бўлибди.

Улар алломани бир синаб кўриш учун унга сигир пешобини келтиришибди.

Ибн Сино идишни қўлига олиб кўрибди-да:

— Ие, касалингиз сомон еб қўйибдику, айтинглар сомондан кўра кўк ўт есин, тезда тузалади, — деб жавоб берибди.

Келганлар олимнинг бу гапидан қаттиқ изза бўлишибди.

ДУРБИН

Абу Али ибн Сино бир куни Бухоро амирининг ёзги қасрида ўтирган экан, унинг ёнида бир нарса турганини кўрибди-да, амирдан:

— Бу нима? — деб сўраб қолибди Абу Али.

— Бу дурбин, — дебди амир, — бу билан бир неча чақирим нарида келаётган одамни кўрса бўладиган асбоб. Ҳатто, келаётган дўсту душманни узоқдан кўриб билса ҳам бўлади.

Шунда Абу Али ибн Сино узоққа бир қараб бир отлиқ келаётганини пайқабдида, амирга айтибди. Амир ўз дурбини билан қараса, чиндан ҳам бир отлиқ келаяпти. Шунда амир Абу Али кўзига қойил қолибди. Отининг ранги тўриқ, отлиқ ҳолва еб келаяпти, — дебди Абу Али.

Шунда амир унга:

—Унинг ҳолва еб келаётганини қаердан билдинг, мен кўрмаётибман-ку, — дебди.

Шунда ибн Сино амирга қараб:

— Ҳолва еяётганини унинг атрофида гирдикапалак бўлиб айланиб юрган пашшалардан билдим, пашша ҳеч ундан нари кетмай, доим оғзи атрофида айланиб юрибди, — дебди у.

Амир Абу Али гапига унчалик ишонқирамабди, бир оз вақт ўтгач, отлиқ етиб келиб, ундан сўраб билишса, ростдан ҳам у ҳолва еб келаётган экан, бир неча хира пашшалар унинг то ҳолваси тугагунга қадар атрофида айланиб, тинч қўймаганини ва ҳолва еб бўлингачгина, ғойиб бўлганини сўзлаб берибди.

Ундан сўнг Абу Али узоққа қараб:

— Беш чақирим нарида бир киши қотган нон еб келаяпти, — дебди.

Подшоҳ ўша томонга дурбини билан қарабди, унга одам кўринибдию, лекин нон-пон кўринмабди.

Амир Абу Алидан сўрабди:

— Унинг қотган нон еяётганини қаердан билдинг?

— Нонини кучаниб ўртасидан бўлган эди, нон иккига бўлинди, — дебди ибн Сино.

Кўп ўтмай йўловчи етиб келиб, ундан сўрашса, чиндан ҳам воқеа донишманд айтгандай экан.

Шунда амир Абу Али ибн Синонинг кўзига қойил қолган экан.

ИБН СИНО ПАНДЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Эҳтиёт қил бола қоринда лик чоғи,
Етмай офат, соғ бўлсинким сўлу соғи.
Асра оғироёқ аёл ошқозонин,
Бузилмасин иштаҳаси қийнаб жонин.
Токи бола тоза қондан эт-тан олур,
Она қони чиқиндидан тозаланур.

*

Чақалоққа танда эмизувчи жувон,
Ёш ўтмаган, ўрта ёшли бўлсин жонон.
Семиз этлик, бўшашмаган баданлари,
Ўрта мижозга яқин, миқти танлари.
Сергавдалик, кўкси катта, хушрўй ўзи,
Бўлсин тоза тиши бирла икки кўзи.

*

Қари бели кучи нурар, нимжон бўлур,
Аҳволида ҳар кун бирор нуқсон бўлур.
Кучли емиш бергил, бироқ кам-кам қилиб,
Ҳазми оғирлиқдан хотирни жам қилиб.
Қилма ҳужум танга дору дармон билан,
Тан тозала мудойим хуш таом билан.

*

Овқат емоқни одат эт сен бир маҳал,
Бўлмай десанг лайлу наҳорда ҳеч касал.
Энг кўп емак икки бордир сенга мезон,
Икки кунда уч бор емак ўрта-миён.
Ҳазм истасанг, шошмай ғегил, е майдалаб,
Муддатни чўз, чайнаб ғегил кўп марталаб.
Оғир бўлса чайнамоқлик ғар тиш билан,
Андин оғир ҳазми сенинг ютиш била.
Кўнгил тусар ҳар нарсага жазм айласанг,
Лекин они ҳазми оғир деб ўйласанг,
Зидди била иш тут, бўлсин акси мизож,
Шояд ўша бадҳазм ғизо топгай ривож.
Одат кишига куч мисол терс бўлмагил,
Кўнгил тусар бўлса емак ўтрилмагил.
Олдин суюқ, сўнгра қуюқ қил ҳар қачон,
Таъми чучук бўлса анга қўшгин нордон.
Қуруқликни ҳўлликка қўш, хуш қил, тузат,
Совуқликни иссиқликка чатиб, безат.
Совуғини қўшгил агар иссиқ мижоз,
Ҳўл мижозга аксин қўшсанг, топгай ривож.
Агар семиз эт ёқмаса, хуш кўрмасанг,
Ёғлиқ таом бадҳазм бўлиб, ҳол бўлса танг.
Туз, мурч, қалампир сеп анча, хушхўр қилур,
Юмшоқ бўлиб таом, таъбинг масрур бўлур.

*

Овқат ғегил доим риёзатдан кейин,
Сендан чиқиб кетган нажосатдан кейин.
Емакка вақтни бемалол чоғлаш керак,
Салқин шамол, тоза жойга боғлаш керак.

*

Ёз ҳавоси оз емоқни кўрур лозим,
Танлаганинг бўлсин доим енгил ҳазм.
Ғализ этдан ўзингни тий, ўтир юзинг,
Гиёҳ, кўкат, сутлар бўлсин ошу тузинг.





МАОРИФЧИ БОТИР ОДАМ БЎЛАДИ

ИБН СИНО АХЛОҚ, ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади. Яхши хулққа ҳам одат туфайли эришилади.

***

Ҳақиқат мантиқ илмидан талаб қилинсин!

***

Ички қувватларнинг таъсирлари ва таъсирланишлари такрорланаверса, улар учун кучли бир малака ҳосил бўлади. Ахлоқ ҳам шундай вужудга келади.

***

Ҳис ички руҳга қаттиқроқ таъсир этади ва уни ҳаракатга солишда ақлдан кучлироқдир.

***

Қора тупроқ қаъридан тортиб, то Зуҳал—Сатурн чўққисигача бўлган дунёнинг ҳамма мушкул масалаларини ҳал қилдим. Мен ҳар қандай макр ва ҳийла тузоғидан қутулиб чиқа олдиму, лекин ўлим тугунини еча олмадим.

***

Мен юксак мақсадларнинг энг чўққисига чиқиб, юксалишни истайман. Паст мақсадларга ҳеч рози бўлмайман. Ё истаган бу мақсадга эришаман ё ўлим мени бу йўлда ҳалок қилади* (ибн Синонинг рубоий, фард, қитъа ва баъзи қасидаларидан бизгача етиб келган бир ва ундан ортиқ байтларининг насрий таржимасини шундай юлдузча билан белгилаб борамиз (Ред.).

***

Қуёш кўрларга кўринмай, бекинганидек, жоҳилларга ҳам дунёда тўғри йўл белгилари кўринмай қолади.

***

Нуқул кўп жонсиз нарсалар юқорига кўтарилишда давом этади. Ажабо, у ҳам жонсиз бўлса, ҳам ўсса.

***

Май мастнинг душманию, ҳушёрнинг дўстидир. Унинг озгинаси тарёқ — заҳар давосию, кўпи илон заҳаридир. Кўпидан зарар оз эмас, озида манфаат ҳам каттадир.

***

Мен улуғ бўлганда аммо келди тор
шаҳри азим ҳам,
Қийматим ошганда қолмиш топмай
харидорим менинг.

***

Минглаб нафар улуғ зотлар борлиқдан йўқликка кетдилар. Ахир бу улуғ зотларнинг бирортаси ҳам йўқликдан борлиққа қайтиб келмабдилар-ку!

***

Мен кўп жойларни кездим ва олам аҳволига қарадим, унда ҳайронлик кафтини иягига тировчидан ёки пушаймонлик бармоғини тишлаб турувчидан бошқани кўрмадим.

***

Яхшилик ҳаммага бевосита севимли. Агар шундай бўлмаганда эди, ҳар ким ўз истаган ёки орзу қилган ва ёки ўзича яхшилик деб тасаввур қилган бирор нарсасини ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўларди.

***

Одамларнинг ботири келажакдаги ишлардан қўрқмайди. Камолат ҳосил қилишдан четланган киши одамларнинг энг қўрқоғидир.

***

Тўғри деб ўйланилган қанчадан-қанча нарсалар бўладики, улар аслида тўғри бўлмай, балки фақат хатолардан иборат бўлади.

***

Хулқнинг мувозанатда бўлиши бадан саломатлигини сақлайди.

***

Жаҳлинг чиққан тақдирда ҳам бировга қаттиқ бақирма.

***

Энг яхши феъллардан бири бировга баланд овоз чиқармасликдир.

***

Кек аслида азият берган нарсанинг фикрда такрорланиши билан ҳамда ундан ўч олиш ғазаби-хаёлининг такрорланиши билан пайдо бўлади. Унинг пайдо бўлишига ғазабнинг бир қадар давом этиши ҳам сабаб бўлади.

***

Ҳар ким ҳодисалардан ибрат ола билса, боши қаттиқ отга ўхшаган бу фалак унга буйсуна беради.

***

Қизитилган тошларни ютадиган туяқуш бўлинглар. Қаттиқ суякларни ютиб юборадиган илондек, оловнинг ичида дадил юрадиган самандардек, кундузи ёруғликка чиқмайдиган кўршапалакдек бўлинг, чунки паррандаларнинг энг яхшиси кўршапалаклардир.

***

Кирпилар бошини ичига тортгани каби, сиз ҳам бошингизни ичингизга тортинг. Ичингизни юзага чиқаринг, ташингизни ичингизга олинг. Худо ҳақи, ичингиз равшан кўриниб турибди-ю, сиртингиз яширин.

***

Эй, ҳақиқий биродарлар! Илонга ўхшаб ўз пўстларингдан чиқинглар ва қуртлар судралиб юрганга ўхшаб судралинглар. Душманга қарши қуроли думида бўлган чаёндек бўлинглар. Чунки агар шайтон одамларнинг орқасидан алдай олмаса, у ҳеч қачон алдай олмайди.

***

Қуруқ гапнинг ўзи ҳеч қачон лўнда далил бўлолмайди.

***

Сўзнинг ёмони амал қилинмай бекор кетганидир.

***

Сирингни барчага айтишдан эҳтиёт бўл, чунки мулоҳазакор деганда бошқа нарса эмас. Агар сирингни сақласанг, у сенинг асирингдир, агар ошкор бўлса, сен сирингни асири бўлиб қоласан.

***

Ҳар бир ишда эҳтиёткорликни қўлдан чиқарган ва билиб-билмай пала-партиш бир ишни бошлаган кишининг пушаймон қилиши турган гап.

***

Тароқ аслида сочни тартибга тушириш учун ишлатиладию лекин шу билан бирга у сочларнинг баъзиларини жойидан юлиб туширади.

***

Бир киши сен билан бўлган муносабатда хато қилса-ю, сенга узр баён этса, узрини қабул қилишни кечиктирма.

***

Қариларни ҳурмат эт, уларни эъзозламоқни ёшларга уқдир.

***

Кундалик ризқ учун кўп қайғураверма. Шу билан бирга мол орттираман деб ўзингни кўп қийнайверма, чунки ҳар ким ўз насибасидан ортиқ битта ҳам дон ея олмайди.

***

Мол-дунёнг сени алдамасин. Асраган мол-дунёйинг бошқаларники бўлади, уларни сарф эта олсанг, ўша сеники бўлади.

***

Бойликни топишибди-ю, ақлидрокни йўқотишибди. Ажабо, топган нарсалари билан йўқотган нарсаларининг баҳоси бир хилмиди?

***

Бизга юксалмоқ ва кўклар муҳитига чиқмоқ ярашади.

***

Маърифатчи (ориф) ботир одам бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди! У барча беҳуда нарсаларга ҳирс қўйишдан узоқ ва барча адашганларга меҳрибондир, шундай бўлмай ҳам бўлардими! У ўз нафсонияти билан улуғвор бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлардими!

***

Ҳақиқий илмда аниқ бўлганки, ҳар бир нарсани билиш унинг сабабларини, агар шундай сабаблари бўлса ва туб асосларини ўрганиш билан ҳосил бўлади. Агар сабаблари бўлмаса, ҳолатига қараб ва ўзига хос нарсаларни ўрганиш билан илм тугалланади.

***

Табиатда бекорчи нарсалар бўлишининг ўзи бўлмаган нарсадир.

***

Санъат табиатдан заифроқдир.

***

Ҳар бир табиий нарса ўлчанган бўлади, лекин ҳар бир ўлчанган нарса табиий бўлавермайди.

***

Маъруф ва машҳур бўлмаган нарсаларни одат этишга кўпроқ интилинади. Чунки одат бўлган нарсалар кўпинча сезилмайди.

***

Ҳужум қилиб келаётган қўшинлардан қўрқиб қочиш, инсонлардаги қўрқоқликни бошқалар томонидан фош этилиши, бойликни ерга кўмиш, адолатсизликнинг кўринишлари, ифлосликка бефарақ қараш, шубҳали жойларда бўлиш, разилликни исташ, ахлоқий тубанликка бориш, камбағални талаш, ўликлар кафанини қазиб олиш, гадойчилик қилиш, ҳаддан ташқари зиқналик қилиш, судхўрлик қилиш, кечирим сўраганлар илтимосини рад этиш, суд олдида туришгача бориш, мурувватсизлик кабилар шармандаликка киради.

Саҳифани Абдусодиқ ИРИСОВ тайёрлади.

Антонина Павловна ХЛЕБУШКИНА

Кекса халқ таълими ходими, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент шаҳридаги 22-болалар уйининг 1942 йилдан буён директори Антонина Павловна Хлебушкина 1995 йил 17 ноябрь куни 81 ёшида тўсатдан вафот этди.

Антонина Павловна инсонларга меҳр қўйиш ва ҳамдард бўлиш фазилатига эга бўлиб, ҳамиша болалар қалбига йўл топа олар, уларни ўзига ром қила олар эди. У минглаб болаларни тарбиялаб, ҳаётга йўлланма берди.

Унинг ҳаёти оғир уруш йилларида, сўнгра, тинчлик даврида ҳам, юзлаб етим болаларни бағрига олиб, уларга чинакам она меҳри ва саҳоватини ҳис этиш, маълумот олиш имконини берган она жасоратининг рамзи бўлиб қолади.

Антонина Павловна Мустақил Узбекистоннинг дастлабки Олий Кенгаши халқ депутати эди. У биринчилар қаторида «Соғлом авлод учун» ордени ва кўплаб ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган.

Ажойиб педагог, минглаб болаларнинг севимли онаси Антонина Павловна Хлебушкина халқимиз ёдида ҳамиша сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, С. САИДҚОСИМОВ, Т. АЛИМОВ, А. АЗИЗХЎЖАЕВ, Б. УМУРЗОҚОВ, Ж. ЙЎЛДОШЕВ.

МЕҲРИ ДАРЁ АЁЛ ЭДИ...

«Етимнинг бошини силаган жаннати бўлади», дейишади. Минглаб етим болаларнинг бошини силаб, улардан оналик меҳрини аямаган, ўз болажонлиги билан ном чиқарган Антонина Хлебушкинанинг вафот этганлигини эшитганимда шу нақл яна бир карра хаёлимда жонланди.

Бу аёлни уруш вақтларидан буён таниб, ҳурмат қилиб юрардим. Дастлаб 1942 йилнинг пишиқчилик палласида учрашган эдик. Ушанда Тошкент қишлоқ райони (ҳозирги Зангиота тумани) халқ таълими бўлимида мудир бўлиб ишлаб юрардим. Бир куни, кўрган кишида ҳеч қачон тиниб-тинчимайдигандай таассурот қолдирадиган бир аёл келиб учрашди-да, ўзини шаҳардаги 22-болалар уйининг директори А. Хлебушкина деб таништирди. Қишлоқлардан мева-чева, турли сабзавотлар йиғиб, ғамлаб олишда болалар уйига кўмак беришимизни сўради. Гарчанд ҳеч ким ўзидан ортмайдиган оғир паллалар бўлса-да, биз ҳам имкон қадар ёрдамимизни аямадик. Уша вақтдаги колхоз ва совхозларга бориб учрашиб, болалар уйига қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ғамлаб бердик. Антонина Павловна ҳам биз билан бирга қишлоқларни кезар ва болаларни деб жонини жабборга берарди. Мен бу аёлнинг куюнчаклигига кейин ҳам кўп бор гувоҳ бўлдим.

Халқимизда «болажон аёл» деган ўзбекона атама бор. Шу юртнинг тузини тотган Антонина Павловна Хлебушкина ҳам ўзбек аёлидек болажон, бир сўз билан айтганда, меҳрибон она, жонкуяр тарбиячи, билимдон педагог эди. У ўзининг кенг кўламли иш фаолияти давомида 3200 нафар болага тарбия бериб, катта ҳаёт йўлига кузатганди. Бугунги кунда улар сафидан вазирлардан тортиб профессорлар, халқ артистлари, хизмат кўрсатган врачлар, ўқитувчилар, ишчилар, қурувчиларгача етишиб чиққан. 40 нафар тарбияланувчи эса етуклик остонасида қалб амри билан меҳрибон бу онахоннинг фамилиясини ўзларига қабул қилишганди.

Гарчанд бу меҳри дарё аёл энди жисман орамизда йўқ бўлса-да, унинг ёркин хотираси ўзи тарбиясига бош-қош бўлган, бугунги кунда деярли барча соҳаларда меҳнат қилиб, халқимиз хизматига камарбаста бўлаётган минг-минглаб инсонлар қалбида мангу яшайди. Унинг тавсифини эшитган ҳар бир одам ҳам руҳи шод бўлсин учун таъзим билан бош эгади.

Шоҳиҳ ГАДОЙБОЕВ,
Республика фахрий ўқитувчилар билан ишлаш кенгаши раиси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Янги китоблар

НАШРИЁТ ТУҲФАЛАРИ

«Ўқитувчи» нашриёти қуйидаги китобларни босмадан чиқарди.

М. Т. Ирисқулов, М. А. Ҳанушин, М. А. Бакирова. ИНГЛИЗЧА-УЗБЕКЧА-РУСЧА МАЪЛУМОТНОМА (иш юритиш хатлари, суҳбатлар, рекламалар).

Мазкур қўлланма бозор муносабатларига ўтиш даврида хорижий давлатлар корхоналари билан иқтисодий, савдо-сотиқ, молиявий алоқалар ўрнатаётган республикамиз ишбилармонларига жуда қўл келади. Қўлланманинг мактублар қисмида хорижга ёзиладиган мактубларга қўйиладиган ўзига хос талаблар, бундай мактублардан намуналар ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, таржимасиз инглиз тилида берилган.

Суҳбатлар (нутқ мулозамати) қисмида хорижий шериклар билан бўладиган узаро суҳбатларда ишлатиладиган нутқ намуналари келтирилган.

Уларни суҳбатда тўғри қўллаш суҳбатдош юрагига йўл очади, ишнинг осон кучиши учун замин яратади.

Маълумки, республикамизда ишлаб чиқарилаётган айрим маҳсулотлар четдан келтираладиган маҳсулотлардан ҳеч бир қолишадиган жойи йўқ. Фақат унга товар шаклини бериш, истеъмолчи дидига мослаб етказиб бера билиш керак. Бу ишда қўлланманинг реклама қисми қўл келади. Умуман олганда, мазкур қўлланма ҳар бир тадбиркор ўқиб чиқиши лозим бўлган дастуриламалдир.

К. Давлатов

МЕҲНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМ - ТАРБИЯСИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР.

Ушбу қўлланма талабаларга «Меҳнат таълими, тарбияси ҳамда касбга йўналтириш ишлари назарияси ва методикаси» курси материалларини пухта узлаштиришда бевосита ёрдам бериш мақсадида яратилди. У мазкур курс материалларини тўлдириш, чуқурлаштириш ва кенгайтиришга ҳам хизмат қилади.

Қўлланмада ифодаланган мустақил ва лаборатория ишларига доир материалларни таҳлил этиш, ҳар хил вазифалар ва топшириқларни бажариш, турли масалаларни ҳал қилиш талабаларда мактаб ўқувчиларининг меҳнат таълими ва тарбиясини ҳамда уларни касбга йўналтириш ишларини амалга ошириш учун зарур билимлар, кўникма ва малакаларини таркиб топтиради.

Қўлланма синов ва имтиҳонларга тайёрланишда ҳам муҳим дастуриламал бўла олади.

Қўлланмадан малака ошириш курсларида қатнашаётган меҳнат таълими ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Р. Н. Назаров, Б. Т. Тошпўлатов, А. Д. Дусумбетов. АЛГЕБРА ВА СОНЛАР НАЗАРИЯСИ. II қисм.

Қўлланма «Алгебра ва сонлар назарияси» курсининг II қисми бўлиб, унда бутун сонлар ва бўлиниш назарияси, комплекс ва ҳақиқий сонлар майдони устида кўпхатлар, халқа, ҳалқаларнинг изоморфлиги, бутунлик соҳалари каби масалалар ёритилган. Бир қанча мисоллар ишлаб кўрсатилган.

Қўлланма педагогика институтлари ва университетлар талабалари учун мўлжалланган.

Сирли, саҳандар олам

ЧЎЛПОН ОТИЛГАНДА ЎЛГАНМИ?

Узбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Чўлпон отилганда қаёқда эдинг... Қачон халқ бўласан сен, эй оломон» деган сатрларини ўқиганимда, хаёлимда 30-йилларнинг қирғинбарот воқеалари жонланади. Одамлар орасидаги кўркув, сотқинлик, бир-биридан ҳадиксираш каби ваҳималарни ўзимча тасаввур қилишга интиламан. Ҳақиқатдан ҳам уша даврдаги одамлари учун мураккаб жараёнлар бўлиб ўтган. Аммо уша қийин замонларда ҳам ўзлигини, ўз инсоний бурчини йўқотмаган одамлар бор эди.

Қозоғистонда асосан ўзбеклар истиқомат қиладиган Турбат деган қишлоқ бор. Шу қишлоқда тақдири номаълум бўлган бир инсон яшаб ўтиб, 70-йиллар бошларида вафот этган. Бу зиёли инсонни ҳамма «тожик домла» дейишарди. Аслида ўзбек бўлиб, (чунки талаффузида тожикча сўзлар йўқ бўлиб, соф Фарғона шевасида гапирарди) хотини тожик бўлганлиги сабабли шундай дейишарди. «Домла» саводли ва нафаси ўткир бўлганлигидан касалларга доим «дам» солиб қўяр, бало-қазодан даф қиларди. Уша даврда, шўро тузумининг совуққонлиги, қишлоқ одамларининг бағрикенглиги сабабли ҳеч ким у киши ҳақида сўраб-суриштирмаган. Ҳатто, колхоз ўй-жой қуриб берган. Шуниси диққатга сазоворки, нима сабабдан уйдан ташқарига чиқмай, (фақат мачитга қатнашини ҳисобга олмаганда) яшаши билан ҳам ҳеч ким қизиқиб қўймаган. Шахсан ўзим ҳам бир марта касал бўганимда «дам» солиб қўйган бу «тожик домла» ҳақида яқинда қишлоққа борганимда шов-шув гапнинг гувоҳи бўлдим.

Турбат аҳолиси салкам 20 йил Чўлпон билан яшаб, у билан бир ҳаводан нафас олган экан. Бу нечоғлик ҳақиқатга мос ёки мосмаслигини тадқиқотчилар аниқлашар. Мен, бошқа нарса ҳақида, балки Чўлпон, балки Чўлпон бўлмаган, тақдири сиру асрорларга бой бир инсон тақдири ҳақида ёзишни, жамоатчилик билан ўртоқлашишни лозим топдим. Чунки шўро ҳокимиятчилигининг жирканч қиёфаси, у қолдирган манфур «мерос»ни ҳар кун, ҳар соат эслаб туришимиз керак.

Айтишларича, «домла» қишлоқда Абдукарим Сулаймонов деган инсон билан дўстлашган бўлиб, ўзининг шаърларини, асарларини шу киши воситачилигида Тошкентга, Ғафур Ғуломга юбориб турар экан. Агар бу доим рост бўлса, Чўлпон Ғафур Ғулом билан дўст бўлгани эътироф этилган! Агар бу инсон Чўлпон бўлса, Ғафур Ғулом қандайдир «халқ душмани» билан алоқа қилиб, уни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганининг гувоҳи бўламиз. Яна шундай бир ҳақиқат борки, 60-йиллар бошларида Ғафур Ғулом Турбатда бўлиб, Абдукарим Сулаймоновнинг уйида бир кеча меҳмон бўлганлигини ҳамма фахр билан эслайди.

Ўқувчилар эътироз билдиришлари мумкин: наҳотки «тожик домла» Чўлпон бўлса?! Ахир Чўлпон отилган-ку! Бундан кўз юмиб бўлмайди. Яна у ердан ҳеч бир зот тирик чиқиши мумкин эмас.

Биз Чўлпон деб тахмин қилаётган турбатлик «тожик домла»нинг тарихи жуда мураккаб.

«Тожик домла»ни ҳам барча «халқ душманлари» қаторида отиб юборишган. Оттанлар биророта ўқ бехато кетмаслигини билиб, уликларни уша жойда қолдириб кетишган. Улардан кейин гўрковлар келиб, уликлардан бирининг нафас олаётганлигини сезишиб, яширинча уни чойхонага олиб келиб, даволаб, сунг кийинтириб, Қозоғистонга қочириб юборишган экан. Шу тариқа дарбадарлик бошланиб, ҳар бир қишлоқда фақат бир йил яшаб, кейин бошқа жойдан макон топар экан. Қозоқ халқида шундай одат бор, улар саводли одамларни улуғлаб, улар ҳақида ёмон фикрга боришни гуноҳ деб ҳисоблашади. Мана шу одат «домла»ни НКВДига тутиб беришларидан сақлаган бўлса керак. Ахир, у ўзининг отилганлар орасида тирик қолганини билишларидан қўрқиб яшаган-ку?!

50-йилларда домла Турбатга келиб, рафиқасининг талаби билан умрининг охиригача шу ерда яшаб қолади. Аҳмад Яссавийнинг издошлари бўлмиш Исмоил ота, Исҳоқ ота, Атойилар яшаган муқаддас тупроқ ўзига тортгани ҳамда бирин-кетин дунёга келган фарзандлар билан оворайи-сарсон бўлиб юришни балки у зот ўзига эп кўрмагандир.

Бу даврга келиб, «халқлар доҳийси» ўлиб, сал бўлса ҳам эркинлик шабадалари эсаётган эди.

Чўлпон фарзанд кўриши мумкин эмас, дегувчилар ҳам бордир. Аммо қадимги ва замонавий табиёт қаттиқ кўркув ва қувонч инсон танасини ўзгартириб юборишини исботлаган.

«Домла» тириклигида ҳеч қачон «Чўлпонман» деб айтмаган. Ҳозир тирик юрган фарзандлари бунга даъвогарлик қилмаяпти. Яна бир эътиборга лойиқ васияти ҳам кишини ўйлантиради. Домла улимидан олин барча расмларини қулёзмаларини кўз олдида ёндириб ташлашни сўраган. Уша даврдаги мафкура фарзандларига хавф солишини билиб шундай қилган бўлса ажабмас. Ҳозирги кунда, у инсондан фақат фарзандларига ёзиб берган тумор ёдгорлик бўлиб қолган. Туморда нималар ёзилганини ўрганиш вақти келмадимикан?! У аввал ҳам ўйланганини, хотини рус бўлганини ўз оиласидан яширмаган дейишади.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, бу тақдири номаълум ва фожиавий инсонни Чўлпон деб даъво қилмаймиз. У Чўлпонми ёки бошқами, барибир ижодкор эди, инсон эди. Унинг тақдирига ҳеч ким бефарқ қарамаслиги лозим.

Чўлпон шахси, ижоди билан шуғулланаётган олимлар бу инсон шахсини ўргансалар, яхши бўларди.

Биз Чўлпон деб атаётган бу инсоннинг фарзандлари ҳаёт. «Домла»нинг ўз қўли билан фарзандларига ёзган туморлари бор. Мана шулар орқали бир инсон тақдири очилса, унинг фожиасини ўрганиш бўйича савоб иш қилинган бўларди.

Шарофиддин БАКИР ўғли.

Маорифимиз фидойилари

ЎРИНБОЙ АКАНИНГ ЎРНИ

... Тўй соҳибининг хонадонини эҳтимол сиз ҳам биларсиз. Митан қўрғонидан чиқиб, катта асфальт йўлдан Челак туманига қараб юрсангиз, 4—5 чақирим масофадан сўнг чапга қараб бурилган йўл сизни Қасовали қишлоғига олиб боради. Бу қишлоқда ҳар бир хонадон сизга ўзбекона лутф ва меҳр билан эшик очади. Уринбой аканинг хонадони ҳам ана шундай хонадон.

Кутилмаганда Бобобек деган шифокор дўстим мени тўйга таклиф этиб қолди. Қаерга, кимникига — ҳали сўраб улгурмасимдан олдин дўстимнинг умр йўлдоши Меҳрихон беражак саволларимга дарров аниқлик киритди: «Тўй соҳиби бегона эмас, Уринбой акани биласиз-ку, ажойиб инсон. Бугун у киши элга тўй бераяпти. Сизни ҳам алоҳида эҳтиром билан таклиф этиб кетди...».

Биз ҳали Қасовалига етмасдан истиқболимизга Қорақалпоқ қишлоғи пешвоз чиқди. Уйгун номидаги 52-ўрта мактаб шу қишлоқда жойлашган. Тилга олганимиз — ҳар икки қишлоқ ҳам Шариф Одилов номидаги ширкатлар уюшмаси тасарруфига киради. Дарвозаси дарвозасига юзма-юз бу қишлоқларнинг пиру бадавлат отахону онахонлари, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган қўли қадоқ заҳматкашлари, соғлом авлод бахт-саодати йўлида ҳормай-толмай тер тўкаётган маърифат ва маънавият фидойилари — зиёлилари бисёр. Уринбой ака ана шундай зиёлилар сафининг фаол аъзоси. Шу сафда муносиб ўз ўрни бор фидокор инсон. «Дўстимнинг онаси — Ойсафар хола жуда синчил одам, танийдиган аёлда, — хаёлимдан ўтказаман. — Бу оила Умаровлар хонадони билан бежиз томир бўлишмаган. Ахир машойихлар айтганку: «Қудачилик — минг йилларга андачилик», деб...

Яхшилар ҳаётини зикр этмоқчи бўлсанг, табиийки, фикрлар булоққа айланади. Ёруғ сўзлар қоғозга қўйилаверади, қўйилаверади. Негаки, ажойиб инсонлар хусусида ёзиш ғоят мароқли. Хусусан, Уринбой ака ҳақида ҳам.

Уша куни Уринбой аканинг ҳовлиси даврани кенг олган меҳмонларга тўлиб кетди. Узиям тўймисан-тўй бўлди. Бир томонда ўттиз-қирқ чоғли мактаб жамоаси, бошқа томонда узоқ-яқиндан келган меҳмонлар. Қариндош-уруғларнинг ўзлари бир давра. Уринбой аканинг, унинг умр йўлдоши Хосият опанинг боши осмонда. Барчага таъзим бажо айлайди: «Хуш келибсиз!», «Раҳмат! Раҳмат!» Ўғиллари — Бобоёр, Фахриддин, Илҳом, Қаҳрамон, Ўктамжон ҳамда қизлари — Нодира, Санам, Асал ва Меҳринисолар елиб-югуриб хизмат қилишади. Бирам хуш калом, бирам хурсанд. Нега қувонишмасин — бугун уларнинг дадажониси ўзининг муборак салкам 60 ёшини, педагогик фаолиятининг33 йиллигини нишонлаяпти. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор! Бу яратганга шукроналик тўйи, ахир! Ана, даврадаги қутловлар ҳам, санъаткорларнинг ранг-баранг қўшиқлари-ю, ўртага тушиб, чаппар уйнаётганларнинг ҳаракатлари ҳам шукроналикка тантанаворлик бахш этади. Файзиёб лаҳзалар...

Даврада Уринбой ака Умаровнинг шаънига жуда кўп илиқ ва самимий гаплар айтилди. Табрик сўзларининг моҳияти қисқача ва шундай эди: «Уринбой Умаров — заҳматкаш, камтар. Оилада ва мактабда, хуллас, эл орасида бағри бутун инсон. У кўплаб шогирдларга устоз. Уларнинг бири — шифокор, бири — раҳбар. Қувончлиси шундаки, кўпчилиги ўқитувчи. У. Умаров ҳозир ўзи ва шогирдлари фаолият кўрсатаётган Қорақалпоқ қишлоғидаги мактабнинг биринчи пойдеворини қўйган, ташкилотчи, қўйдипишди, елиб-югуришдан толмайдиган мураббийлардан бири эканлиги билан, айниқса, эл ичида қадрли».

Саидқул БОЗОРОВ, география ўқитувчиси: — Уринбой ака ҳалол меҳнати билан бахт топган инсон.

Шакар ТОШПЎЛАТОВ, тил ва адабиёт ўқитувчиси: — Устозимизга ҳар қанча таъзим қилсак арзийди. Хокисор, бошқалардан ўз меҳрини дариг тутмайди. Билими ҳам, ташкилотчилик иқтидори ҳам юксак...

Тўй давом этар, хушнудлик айни авжи паллада. Мен эса тўй соҳибини зимдан кузатаман. Ана, у шогирдлари ва фарзандлари қуршовида. Улар бирин-кетин Уринбой акага дуппи ва тўн кийдиришади, турли-туман эсдалик совғалари тақдим этишади. Олқишлар, олқишлар! Шундай лаҳзаларда устоз кўзларида ёш қалқийди, ҳаммани бир-бир бағрига босгиси келади. Мураббийнинг бутун борлиғидан — юзларидан, кўзларидан кечаётган умрига яна бир бор шукроналик зоҳиран акс этади. Беадад ҳаяжон даврадагиларни ҳам ўз оғушига олади...

Биз Уринбой аканинг ҳаётига таалуқли, таржимаи ҳолига алоқадор рақамлар силсиласини «ипидан игнасигача» келтирмоқчи эмасмиз. У 1962 йили Иштихон тумани марказидаги 8-ўрта мактаб қошида очилган бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлаш 8 ойлик курсини муваффақиятли тугатиб, дастлаб 52-бошланғич мактабда муаллимлик қила бошлади. Бир пайтнинг ўзида унга раҳбарлик ҳам қилди. Уша пайтлари туман халқ таълими бўлими мудири бўлиб ишлаётган, устоз Мели Дўстмуродов (эндиликда марҳум, илоё, жойи жаннатда бўлсин!) ночор аҳволдаги бу мактабга алоҳида ёрдам кўрсатди, Уринбой акани қўллаб-қувватлади. Юғур-юғурларнинг ҳаммаси мактаб раҳбарининг зиммасига тушди. Ниҳоят, Умаровнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 1969 йилда бинога пойдевор қўйилди. Ўқитилиши жуфт-жуфт синфлар бўлган бу тўлиқсиз бошланғич мактаб уша йилнинг ўзида саккиз йиллик мактабга айлантирилди ва Уринбой Умаров директор этиб тайинланди. Мактаб атрофини боғ-роғларга айлантиришда ҳам раҳбарнинг ташаббус ва тадбиркорлиги қўл келди. Устознинг дуркун ва ширин-шакар ўқувчиларидай турли-туман мевали дарахт кўчатлари бўй кўрсатди. Эндиликда шигил ҳосил бераётган олма, беҳи ва бошқа кўплаб мевали дарахтлар ҳосилидан кўпчилик баҳраманд бўлишмоқда. Меҳнатнинг меваси ширинда, ахир!

Уринбой ака Умаров қарийб 25 йилга яқин қадрдон даргоҳида илмий бўлим мудири бўлиб ишлади. Бу орада Самарқанд давлат дорилфунунининг тил ва адабиёт факультетини сиртдан тамомлади. 1990 йилда унинг «Меҳнат дафтарчаси»га меҳнат фахрийси деган фахрли ёзув қайд этилди. 1-тоифали ўқитувчи-мураббий сифатида ёшларга сабоқ берди. Уларни одамийлик оламига етаклади. Умр йўлдоши Хосият опа билан эса 9 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб, уларни хонадон остонасидан мустақил ҳаёт кенгликларига олиб чиқишди. Фарзандлар ҳар жабҳада самарали меҳнат қилишаяпти. Келинларидан Гулшод ўқитувчи, Шаҳодат мактабда хизматчи, Меҳринисо эса ширкат хўжалиги меҳнаткашлари сафида.

— Қишлоқ ўқитувчиси... Бу қутлуғ касб соҳибига катта масъулият юклайди. Гарчи Уринбой ака яқин бир йилдирки, иззатикром билан кексалик гаштини сураётган бўлса-да, азиз ва муътабар мактабидан кўнгил узган эмас, узолмайди ҳам!

— Сабаби?

— Боиси оддий, — дейди Уринбой ака, — мен шу мактаб туфайли, ўқувчи-шогирдларим туфайли элнинг эътиборига тушдим, ҳурматини қозондим. Қолаверса, ўқитувчилик маошим билан рўзғор тебратдим, тўйлар қилдим, элга ош бердим. Шундай экан, ундан тарки қадам этишим мумкинми?! Йўқ, асло!

Лавҳамиз қаҳрамони ҳозир айни куч-қувватга тўлган, фикрлари теранлашган ёшида. У яна бир хайрли ишга қўл урди: ўз оила аъзолари билан деҳқон (фермер) хўжалиги ташкил этди. Уларнинг 2 гектар ерда токзори ва 7 гектар майдонда ғалласи бор. Оиланинг ўзига яраша нуфузи, иқтисоди, обруси сарбаланд. Иштихонлик Уринбой ака Умаров эса барча эзгу ишларнинг бошида саркор, элнинг тўю маъракаларида урни турда!

Абдулла ТУРДИЕВ,
журналист.





Спорт

ХОТИРА ТУРНИРИ

Республикамизнинг илк спортчиларидан бири Ҳидоят Иноятовнинг порлоқ хотирасига бағишлаб мусобақалар ўтказиш анъанага айланиб қолган. Тошкентдаги 18-спорт мактабига унинг номи берилган. Бу ерда яқинда пойтахтимиз ва Самарқанд шаҳрининг қиличбоз ўғил ва қиз болалари ўртасида ташкил этилган беллашувларда кўплаб ўқувчилар иштирок этишди. Мусобақа иштирокчилари машҳур спортчининг қизи Ҳуррият Ҳидоятованинг ўттизинчи йилларда республика спорт қўмитаси раиси уринбосари бўлиб ишлаган жонкуяр спортчи ҳақидаги ҳикоясини мароқ билан эшитдилар.

Суратларда: Ҳ.Ҳидоятова отаси ҳақида ҳикоя қилаётир; мусобақадан лавҳа.

Суратқаш Р.АЛЬБЕКОВ.

Бири кам дунё

ТУЯ БИЛАН БЎТАЛОҚ

Гулханий домла ажабтовур руҳшунос ўтган эканлар-да. Бўлмаса, туя билан бўталоқ ўртасидаги меҳр ришталари узга жонзотларникига қараганда ўн чандон мустаҳкам эканлигини ушмундоқ жозиба билан тасвирлаб берармиди. Мана, уша мумтоз сатрларнинг исботи бугун чиқиб турибди. Челябинск ҳайвонот боғига онасидан мажбуран ажратиб келтирилган бўталоқ неча кундирки одамларга яқинлашмаяпти. Сабаби - она соғинчи. Лекин қассобга ёг қайғу. Ҳайвонот боғи маъмурияти бўталоқнинг кайфияти билан ҳисоблашиб ўтиришга вақтлари йўқ. Челябинскнинг 260 йиллиги тантаналарида бўталоқ одамларни «катайса» қилдириши керак. Чунки, шаҳар рамзида туя сурати акс эттирилган-да.

ЦИЦЕРОННИНГ ЙЎЛДОШЛАРИ

Хитойда дудуқлик дардига мубтало бўлган бир неча ўн киши ўзаро ёрдам кооперативига бирлашди. Мақсад — нутқ камчилигидан қутилиш. «Биродарлашган дудуқлар бирлашмаси» дая аталувчи ушбу уюшмани Ван Пен деган «собиқ дудуқ» ташкил этди.

12 йил шу дард заҳматини чеккан Ван махсус логопедик курс билан шуғулланиш натижасида комил нутқ эгаси бўлди.

Ҳар якшанба куни уюшма аъзолари йиғилишиб олиб, ўз нутқларини чархлашяпти. Ажаб эмас, буюк Цицероннинг тақдири уларга ҳам насиб этса.

ЭНГ ОҒИР ЖАЗО

Бугунги ёшлар учун энг оғир жазо нима? Йўқ, адашдингиз, сиз ўйлаган нарса эмас. Американинг Гилрой (Калифорния штати) шаҳри маъмурияти ёшларга қўллаётган жазо ҳақида эшитсангиз, «Э, Ҳа-а» деб юборганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз.

Хуллас, шаҳарда ёшлар ўртасида жиноятчиликни камайтириш мақсадида 18 га тўлмаган йигит ва қизлар учун комендантлик соати жорий этилган. Тартиббузарлар махсус марказга олиб келинади ва жазо сифатида... телевизор кўриш манъ этилади. Бундан ҳам даҳшатлиси, уларни мумтоз қўйлардан тинглашга мажбур этишади.

МЕТАЛЛДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Металл Ватанга! Шунақа шиоримиз бор. Лекин бу сўзларни Пермь вилояти Чернушинск тумани фуқароси Юрий Муртазин қандай талқин қилганлиги номаълумлигича қолди. 13 ёшли ўғлини етаклаб олиб, юқори кучланишли трансформатордаги рангли металларни йиғиш учун келган Юрийнинг ҳаёти фожиа билан тугади. Эҳтиётсизлиги туфайли, қувватли ток уни улоқтириб юборди ва ўғлининг кўз ўнгида олам билан видолашди. Муртазин металлни ватанга топширимоқчи эдими ёки бошқа ергами, буни энди худо билади.

Н. К. Крупская номидаги Тошкент педагогика билим юрти томонидан 1979 йили УСМОНОВА Гулчеҳра Ботировна номига берилган ГТ-I 289403 рақамли (қайд этилган рақами 10913) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг ҳайъати ва жамоаси Тошкент шаҳридаги 22-меҳрибонлик уйи директори, Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Антонина Павловна ХЛЕБУШКИНАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, тиббиёт-география факультети жамоаси доцент А. Тўхтаевга отаси

Султон ТУХТАЕВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика таълим илмий-методика маркази раҳбарияти марказ ходими Гулчеҳра Салимовага онаси

Манзура ая АШУРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир

Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Икром Бурибоев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0509. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456